Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 1-йил чиқиши. ДЕКАБРЬ 1966 й. ЧОРШАНБА № 146 БАҲОСИ 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ЎТЮРАК

Унинг ҳар куни ишга эртароқ келадиган одати бор. Манзилга автобусдан атайин бир остановка нарида тушиб, аста Бўзсув ёқалаб боради.

Эрталабки соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, ўзинг дўстларингнинг қўли билан бунёд этилган атрофдаги серҳашам бинолар, гўзал энергетиклар шаҳарчаси жамолини томоша қилишнинг гашти ўзгача бўлади.

Бугун назарида атрофда қандайдир ўзгариш рўй бергандай. ГРЭС дарвозасидан шитоб билан кириб бораётган энергетиклар сафи қалинрок тутюлади. Агрегатларнинг қадимдан таниш овозидан ҳам қандайдир янги «ноталар» чалинади қулоққа. Наҳотки, бир энергоблокнинг ишга туширилиши атрофга шунчалик янгилик киритса, файз бахш этса. Қаранг, одамларнинг ҳам чеҳраси гулдек яшнайди-я.

Арслонбек қурилиш майдонига келганида экскаваторчи двигателни қиздириб, машинани ишга шайлаётган эди. Яна бир дақиқадан сўнг қурилиш майдони жонланиб, иш қизиб кетди.

Ҳар кундагидек, планировкадан сўнг прораб хонасига комплекс бригада бошлиғи Семён Глухов билан ёш бетончи Анатолий Белужников кириб келишди.

— Арслонбек,— ўтирмасданоқ гап бошлади бригадир,— ишларнинг мазаси йўқ. Ҳамон «нуль»дан чиқолмаяпмиз. Кундалик план бажарилаётгани ҳисоб эмас. Йигитларни ишнинг умумий самараси қониқтирмаяпти. Анатолий бўлса,— у ҳамроҳига ишора қилди,— ишни уч сменада ташкил этиш зарур, деб бир ҳафтадан буён қулоқ миямни еб юрибди.

— Тўғри-да, ўртоқ прораб. Имкониятимиз бор. Фақат бригада аъзоларини уч сменага бўлиб комплектлаштирилса бўлгани,— Белужников ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Улар яна алламаҳалгача тортишишди. Ниҳоят, бригадани айрим етишмай турган мутахассислар билан тўлдириб, уч сменали иш ташкил қилишга қарор қилинди.

Арслонбек Анатолийни орқасидан кузатаркан қурилишга куни кечагина келган шу йигит ҳақида ўйланиб қолди. Ёши эндигина ўн тўққизга кириб, ҳали мўйлови ҳам сабза урмабди-ку, «биография»сининг бойлигини қаранг-а. Узи куйбишевлик. Бир неча йилдан бери совуқ Шимолдаги Карелия-Буткинск ГЭСи қурилишида ишлар экан. Кемь дарёсини бўғишда иштирок этибди. Зилзила дарагини эшитгандан сўнг Тошкентга ошиқибди. Мана, республиканинг улкан нур чашмаси қурилишида ёшларга хос ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётир.

Арслонбекнинг ўзи ҳам ҳали жуда ёш кўринади. 26—27 ёшларда, ундан ортиқ эмас. Шундай бўлса ҳам у ўз ёшлигини фикран бояги йигитникига таққослаб чиқди.

... Ёшлигида Бўзсувнинг бу ерлардаги кўкаламзор, хушманзара қирғоқларига тенгқурлари билан тез-тез чиқиб туришарди. У вақтларда беш-олти йил ичида Ўнқўрғон бунчалик ўзгариб кетади деб, ҳечам ўйламаган эди.

Институтдаги бетиним, лекин қизғин студентлик йиллари баҳор шабадасидек тез ўтиб кетди. Қурувчи-инженер дипломи ёнда. Йўлланма эса, Чорвоқ комсомол зарбдор қурилишига берилган.

Шўх Чирчиқ бўйида қурилиш ишлари эндигина бошланган. Атрофда пастак тоғ дарахтлари, бепоён майсазор ва лолазорлар-у, дарё қирғоғидаги 4-5 палаткадан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. Қурилиш техникаси ҳам эндигина келтирила бошланганди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан комсомол йўлланмаси билан келган ёшлар Арслонбекни илиқ қарши олишди.

Биргалашиб яна кўпгина палаткалар қуришди. Сўнг бош план асосида тўрт тоғ оралиғидаги янги шаҳарча пойдеворини қўябошлашди. Қурувчилар сони соат сайин кўпаяди. Ёзнинг ўрталарига бориб портлатувчилар иш бошлаб юборишди. Улар туну кун тинмай тоғни қўпоришар, бўлажак электроузел, сув омбори ва қурилиш маҳсулотлари тайёрловчи заводлар қуриш учун жой тайёрлашарди. Улар билан бирга яшаш серташвиш, лекин жуда қизиқ эди.

Афсуски, бу романтика ҳавасмандлари билан тез орада хайрлашишга тўғри келди. Келаси йил ёзида уни «ТашГРЭСстрой» ихтиёрига чақириб олишди. У мамлакатда кўплаб улкан электростанциялар қурилишида иштирок этган тажрибали касбдошларидан бир йилнинг ўзидаёқ кўп нарсаларни ўрганиб олган, бу бой тажриба мактаби маҳсули ҳали-ҳали қийин пайтларда унга ёрдам бериб туради.

ГРЭСнинг 4 ва 5-блоклари пойдевори ҳамда бетон конструкциялари монтажи батамом у прораблик қилаётган 1-участка азаматларининг қўли билан барпо этилди. Навбатдаги бешинчи энергоблок муддатидан илгари ишга туширилди. Ана у тинмай «гуриллаб» ишлаб турибди. Республиканинг энергия системасига яна 150 минг киловаттлик қувват қўшаётибди. Унинг барпо этилишида Арслонбек дўстларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир улар олтинчи навбат пойдеворини жадал суръатлар билан бунёд этишмоқда. Коллектив беш йиллигининг биринчи йилини муносиб меҳнат зафарлари билан якунлашга аҳд қилган. Улар 6-блокни янги йил арафасида монтажчиларга топширишга қарор қилишган. Шу кунларда ана шу орзу ниқида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишмоқда.

Бу зафарнинг замини ўтган ойдаёқ қўйилган эди. Бригадалар ҳамкорликни кучайтириб, 120 кубометрлик мураккаб темир-бетон конструкциялари ўрнатишди. Уларнинг остига 180 кубометр монолит бетон ётқизиб жипсландн. Мана, бугун ҳам бўлажак энергоблокнинг конденсатор, генератор ва статорлари ўрнатиладиган бетон устунлар тикланмоқда.

Иш айниқса 6-блок буғ қозони ўрнатиладиган участкада қизғин, қурувчиларнинг ҳам кўпчилиги шу ерда. «МАЗ» пишқирганча орқасига тисарилиб, елкасидаги бетон қоришмани бригадир ишора қилган ерга ағдарди. Ўнлаб белкуракла бетон уюмини бир зумдаёқ атрофга текисгина тарқатиб, унинг устига «бетон зичлагич» қўйиб юборилди.

— Ҳорманглар, йигитлар,— деди прораб ишлаётганларга яқинлашар экан,— бугунги ишлар қалай?

— Ҳозирча чакки эмас, шу кетишда бораверсак, кечгача ишни ярмидан ошириб қўямиз,— комплекс бригада бошлиғи Алексей Данилов эрталабдан бери бетон ётқизилган каттагина майдонга ишора қилиб завқланиб деди,— асли бетон ташиш учун машинани кўпайтирсак бўлар экан. Аҳмаджон Усмоновнинг «бетон зичлагич»ига иш етказиб бериб бўлмаяпти. Йигитларнинг ҳам ғайрати бошқача.

Арслонбек Ниёзбеков майдонни алламаҳалгача айланиб юрди. Касбдошлар билан бугунги иш, эртанги режалар ҳақидаги суҳбатлардан мамнун бўлиб, қалбида қувонч тўлқинланиб қайтди. Электр пайвандчи Виктор Дорохов, Владимир Смислов, монтажчи Алексей Чулков, Мутал Ғафурбеков, инженер Шамсиддин Худойбердиев. Уларни санаб тугатиш қийин. Лекин, бу азаматлар билан ишга бел боғлаган киши албатта мақсадга эришади. Эл олдида юзи ёруғ, кўнгли эса ҳамиша қувонча тўлади.

М. РАҲМОНОВ,
Ў. ЗОКИРОВ.

ПОЙТАХТ БУНЁДКОРЛАРИ

Белоруссиядан келган бинокорлар Тошкентни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Улар тошкентликларга ҳар бирида 100 оила истиқомат қиладиган тўққизта уй ва битта мактаб қуриб беришга аҳд қилишган. Аҳдига вафодорлар ишни тез суръатлар билан олиб боришмоқда. Улар графикдан ўзиб кетишган.

СУРАТДА: ғишт терувчи П. А. Богдан. У бажарган ишлар фақат аъло сифатлар билан баҳоланади.

В. Сиротнин ва И. Глауберзон фотоси.

УКРАИНА МАҲАЛЛАСИ

Тошкент шаҳар Советининг архитектура-планлаштириш бошқармаси комиссияси украин архитекторларининг янги лойиҳасини кўриб чиқди.

Пойтахт марказида қад кўтарадиган энг йирик «Ц-15» микрорайони лойиҳаси Украина шаҳар қурилиш лойиҳа институти коллективи томонидан бажарилди. Институт директори Б. Сапунов бошлиқ лойиҳачилар Тошкентга келиб иқлим шароитларини ўргандилар, барча зарурий жиҳатларни ҳисобга олдилар. Муаллифлардан К. Баров, М. Винниковский, В. Нестеренко, Ю. Исаков ва бошқалар қисқа муддат ичида лойиҳани тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

5 минг киши учун мўлжалланган микрорайон лойиҳасига кўра бири-биридан ҳашаматли бинолар қуриш кўзда тутилади. Биноларнинг учтаси 9 қаватли бўлиб, қолганлари эса беш қаватлидир. Шунга кўра мактаб, болалар муассасалари, магазинлар, жамоат бинолари, клуб, устахона, спорт майдонлари, гаражлар ва ҳоказолар бўлади.

Микрорайон 20 гектар майдонни эгаллайди. Лойиҳа жуда ҳам содда ва равон тузилган. Қуриладиган бинолар зичлашиб қолмайди. Уларни сўлим оромгоҳлар, боғлар ўраб туради.

Лойиҳа билан танишган комиссия украин архитекторларининг ишига ижобий баҳо берди.

ЎЗБЕК КИНОСИ МОСКВА ЭКРАНЛАРИДА

МОСКВА. (**«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири телефон орқали хабар беради**).

Бир неча кундирки, пойтахт экранларида «Ўзбекфильм» студиясининг «Фидойи» бадиий фильми зўр муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Бу фильм пойтахтнинг 25 кинотеатрида кўрсатиляпти. «Молния», «Дружба», «Орбита», «Полярний», «Спутник», «Форум», «Янтарь» каби кинотеатрларга томошабинлар кун сайин кўплаб келишяпти.

Бундан ташқари, «Наташахоним» номли кенг экранли рангли бадиий фильм ҳаммага манзур бўлмоқда. Кино мухлислари фильм режиссёри Латиф Файзиев маҳоратига юксак баҳо бермоқдалар.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Бугун Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси корхоналарининг коллективлари йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Айниқса, бошқармага қарашли металл буюмларни ремонт қилувчи комбинат, «Фотореклама», «Новинка» ателъеси, «Шарқ» комбинати ва бошқа бир қатор корхоналар топшириқларни ўз вақтида ошириб бажариш билан бирга минглаб буюртмачиларнинг раҳматига сазовор бўлдилар. Бошқармага қарашли корхоналар йил охирига қадар яна 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Маиший хизмат кўрсатувчилар шу кунларда пойтахт аҳолисига қулайликлар яратиш борасида бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар.

Чилонзор массивининг Муқимий кўчасида пойафзалларни механика усулида ремонт қилувчи павильон қурилмоқда. Январь ойининг бошларида ишга тушадиган бу павильон бир куннинг ўзида минглаб кишиларнинг ҳожатини чиқаради.

Бундан ташқари Ленин ва Апанасенко кўчалари муюлишида маиший хизмат кўрсатиш «шаҳарча»си бунёд этилади. Бу шаҳарчадаги 20 та павильонда турли хил касбга оид юз киши ишлайди.

Маиший хизмат кўрсатишнинг усулларидан бири — транспортга хизмат кўрсатиш ривожланиб бормоқда. Ҳозир Юнусободда автомобилларни ювадиган махсус агрегат ўрнатилди. Бу агрегат бир машинани етти минутда чинни-чироқ қилиб ювиб беради. Бундай автомобиллар ювадиган марказларни Куйбишев шоссесида ва Шота Руставели кўчасида ташкил қилишга киришилди.

КОРХОНА ФАХРИ

Пойтахтдаги 1-авторемонт заводида ихтиёрочи ва рационализаторларни ижодкор кишилар, деб тилга олишади. Қирқдан ортиқ бу ижодкорлар чиндан ҳам корхона огирини енгил қилувчи кишилардир. Рационализаторлар шу йилнинг ўзидагина 20 дан ортиқ таклифни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Натижада давлатнинг 27 минг сўм маблағи тежаб қолинди.

Ихтирочилардан Ж. Жестовский ва О. Осоковлар амалга ошираётган ишлар мақтаса мақтагудекдир. Улар техникани мукамаллаштириш борасида талай ишларни амалга оширдилар. Айниқса «ГАЗ-51» автомобили двигателининг пўкак қопқоғи машина иш унумини оширишда жуда ҳам қўл келмоқда. Бу янгилик Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги ютуқлари виставкасининг қимматли экспонатларидан бирига айланиб қолди. Ж. Жестовский К. Коберник билан ҳамкорликда «ГАЗ-51», «ЗИЛ-120» двигателлари учун ишлаган шатун ва қопқоқлар ҳам муносиб тақдирга сазовор бўлди.

Ремонт заводи коллективи бундай ижодкорлар, ишнинг кўзини билиб, пухта меҳнат қиладиган кишилар ҳаракати туфайли йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортини беришга тайёргарлик кўрмоқда. Шу кунга қадар меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига қараганда 17,5 процент ошди. Завод конвейерларидан ҳар куни 60—65 та двигатель чиқиб турибди.

Авторемонтчилар йиллик пландан ташқари турли хўжаликларга 150 дан ортиқ двигатель етказиб бериш мажбуриятини олишди.

Болалар боғига байроқ

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларидаги маданият ва истироҳат боғлари коллективлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, бир қатор диққатга сазовор ишларни олиб бордилар. Меҳнаткашлар ўртасида оммавий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишлари бирмунча яхши йўлга қўйилди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва маданият ходимлари касаба союзи республика Комитетининг президиуми кўрикнинг биринчи босқичига якун ясадилар.

Ўзбекистоннинг қайси бир боғи энг яхши боғ деб топилди? Мусобақа ғолиби Тошкентдаги Максим Горький номли болалар боғи бўлди. Бу боғ коллективига Ўзбекистон Маданият министрлигининг кўчма Қизил байроғи танталли суратда топширилди. Боғ ходимлари болалар ўртасида ранг-баранг ва қизиқарли ишларни олиб бордилар. Боғ шу ташқи қиёфаси болаларга қувонч бахш этадиган даражада безатилди.

Боғ бадиий раҳбарлари ўтказган «Эртак ҳақиқат бўлди» деган театрлашган байрам болаларгагина эмас, ҳатто катталарга ҳам манзур бўлди.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА МАРҲАМАТ

Октябрь районида 500 ўринли янги саккиз йиллик мактаб-интернат очилди. Мактабда таълим-тарбия ишлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳозир мактаб кундуз куни ўқиётган турли мактаблардан ўқувчилар қабул қилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг сони 400 дан ортди.

Пойтахтдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси Шуҳрат Шарипов ўрта мактабни тугатгач, шу корхонада ишлай бошлади. Бир неча йилдирки, ўзининг меҳнатсеварлиги туфайли у коллектив орасида обрў қозонмоқда.

Суратда: Ш. Шарипов иш устида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ЕР ТУЗУВЧИЛАР ЮБИЛЕЙИ

Тошкент Қишлоқ хўжалигини Ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида ер тузиш факультети ташкил қилинганлигига йигирма йил тўлганлиги муносабати билан юбилей конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда иқтисод фанлари доктори П. К. Татур доклад қилди. Шундан кейин факультет профессори М. И. Маслов, И. Ф. Сукач, доцент Т. М. Куликовский босиб ўтилган йўл ҳақида, тайёрланган мутахассислар ҳақида ўз хотираларидан гапириб бердилар.

И. К. Баранов факультетнинг тантанали юбилейини қутлаб, москвалик профессорлардан Н. Н. Буркин, Н. И. Прокунов ва бошқа олимлар юборган табрик телеграммаларини ўқиб берди.

Ер тузилиш факультети 1946 йилдан буён 850 га яқин малакали инженерлар тайёрлаб чиқарди. Булар мамлакатимиз ва республикамизнинг турли жойларида ишламоқдалар.

ЯСЛИ БИТДИ

153-қурилиш трестига қарашли 5-қурилиш бошқармасининг меҳнатсевар коллективи янги йил вахтасида туриб ишлаб, янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқда.

Улар бугун Чилонзордаги Муқимий кўчасида эркатойларимиз учун 250 ўринли болалар яслисини қуриб, фойдаланиш учун топширдилар.

ГЎЗАЛЛИК АКС ЭТАДИ

Тошкентда янги-янги уй-жой кварталлари қад кўтаряпти. Корхона ва муассасалар замонавий биноларга кўчиб ўтмоқдалар. Бу бинолар атрофидаги жойлар манзараси қандай ҳусн касб этади? Бу жойлар, албатта, обод, чинакам ҳордиқ чиқариш жойи бўлиши керак.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг бир группа ходимлари қардош украиналиклар пойтахтига борган эдилар. Улар ниҳоятда озода, кўкаламзор ва ободонлаштирилган шаҳарда бўлиб, ободонлаштириш юзасидан тажриба алмашиб қайтдилар. Шаҳар кўчаларини механизация воситасида тозалаш, йўл хўжалиги ишларида ва ободонлаштиришнинг бошқа тармоқларида дўстлар эришган ютуқлар уларни қизиқтирди.

Ҳамшаҳарларимиз киевлик дўстларга Тошкентда бу соҳада эришилган бир қатор ютуқлар ҳақида сўзлаб бердилар. Республикамиз пойтахтини қайта тиклашда олиб борилаётган ишлар ва унинг келажакдаги қиёфаси нақадар гўзаллашиши ҳақида ҳикоя қилдилар.

Шаҳримизнинг жамолига чирой бериш мақсадида олиб борилган бундай тажриба алмашиш самарали натижалар беради, албатта.

— Украиналиклардан орттирилган энг яхши тажрибалар шаҳарни янада ободонлаштиришга хизмат қилади, — дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ З. В. Федоров.

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛАДИ, ВЬЕТНАМ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти тузилганлигига олти йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг конференц-залида Тошкент жамоатчилик вакилларининг кўп минг кишилик митинги бўлиб ўтди.

Суратда: [ўнгдан] Жанубий Вьетнамдан келиб Тошкентдаги Тўқимачилик институтида ўқиётган студент қиз Ле Суан нутқ сўзламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«Американликлар, Вьетнамдан туёғингизни шиқиллатиб қолинг! Уруш оловини ёқувчиларга лаънат!» 20 декабрда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг конференц-зали ана шу шиорлар билан безатилган эди. Республика пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик Фронти ташкил топган кунининг олти йиллигини нишонлаш учун бу ерга келишди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова очди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов ўз докладида Миллий Озодлик Фронти теварагига маҳкам жипслашган Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг қаҳрамонона курраши ҳақида, американалик агрессорларга қаттиқ зарба бераётган бутун Вьетнам халқининг мардлиги тўғрисида гапирди.

Тошкент экскаватор заводининг ишчиси К. Собиров вьетнамлик қардошларимизнинг ҳаққоний курраши билан самимий дўстлик ва бирдамлик туйғуларини изҳор қилди. Барча совет кишилари наби, деди у, шаҳримизнинг меҳнаткашлари ҳам: «Вьетнам ватанпарварлари, сизлар билан биргамиз!» деб баралла айтмоқдалар.

«Ташсельмаш» заводи комсомол комитетининг секретари Е. Михайленко минбарга чиқади. У айтадики, озодликни бўғувчи босқинчилар — американалик йиртқичлар Вьетнамдаги ваҳшиёна ҳаракатлари билан шармандан-шармисор бўлдилар. Улар ўз ёвузликлари учун бутун дунё олдида қаттиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор М. Левиев Вьетнам халқининг янгидан-янги ғалабаларга эришувини тилади.

Вьетнам ватанпарварлари, деб таъкидлади у, душманга қақшатгич зарбалар бериб, порлоқ ғалаба кунини яқинлаштирмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари 13 ва 14 декабрда Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханойни бомбардимон қилган Америка ҳарбийларининг янги оғир жиноятн тўғрисида қаҳр-ғазаб билан гапирдилар. Нотиқлар Совет ҳукуматининг баёнотини қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу баёнотда агрессив урушни давом эттираётган Америка империалистлари қаттиқ огоҳлантирилган ва Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради деб таъкидлаб ўтилган.

Тошкентда ўқиётган вьетнамлик студентлардан Хоанг Ван Тао ва Ле Суан гулдурос қарсаклар остида нутқ сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик Фронтининг СССРдаги доимий ваколотхонаси номига табрикнома йўлладилар.

(ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

М. В. Ломоносов номидаги Москва нозик химия технологияси институтида курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик митинги ўтказилди.

«Вьетнамдан қўлингни торт!», «Вьетнамлик биродарлар биз сизлар билан биргамиз!» деган шиор остида ўтган бу митингда академик И. В. Тананаев сўзга чиқиб, Америка империализмининг янги қонли жиноятларини кескин қоралади.

Институт студентлари ҳамда Бирлашган Араб Республикаси, Болгария, Ироқ, Венгрия ва Африкадан келиб, шу институтда ўқиб турган ёшларнинг вакиллари Вьетнам ватанпарварларининг адолатли курраши билан ўзларининг бирдам эканликларини айтдилар.

Шаҳримиз янада гўзаллашиб, янгидан-янги шинам бинолар қад кўтармоқда. 153-қурилиш трестининг СУ-14 қурувчилари яқинда Муқимий кўчасида савдо ходимлари учун беш қаватли уйни қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Суратда: янги уй-жой биноси.

С. АҲМЕДОВ фотоси.

БУРЧГА САДОҚАТ

ИНСОН ОДОВИ ВИЛАШ...

Бурч ахлоқ тараққиётининг юксак чўққиси — коммунистик ахлоқ категорияларидан бири. У кишининг Ватан, халқ, Коммунистик партия, жаҳон социализм системаси, халқаро коммунистик ва демократик ҳаракат, коллектив, оила ва ўртоқлари олдидаги ижтимоий зарурий мажбуриятларини ифодалайди.

Халққа содиқ бўлиш, Ватан манфаати йўлида фидокорлик қилиш, коллектив шон-шуҳрати учун курашиш, самимий дўст бўлиш оилада коммунистик муносабатларни ўрнатиш, инсон ҳакида ғамхўрлик қилиш, ижтимоий манфаат йўлида фидокорона меҳнат қилиш инсон бурчидир.

Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, камтар, ростгўй, софдил, ҳушфъел бўлиш, алдамчиликка, такаббурликка, текинхўрликка, жамоат тартибини бузувчиларга қарши шафқатсиз курашиш ҳам инсон бурчининг ажралмас қисмидир.

Инсон бурчи шундай олижаноб ва кенг тушунчаки, у одам бажариши лозим бўлган барча ижобий сифатлар, фазилатларни ўз ичига олади. Умумлаштириб айтганда, яхшилик қилиш, ижтимоий прогрессга хизмат этиш — инсоннинг бурчи.

Яхшилик деганда ижтимоий тараққиётга, жамиятга фойда келтиришга қаратилган хатти-ҳаракат тушунилади. Яхшилик коммунистик ахлоқнинг барча нормаларини ўзида мужассамлаштиради.

Яхшилик ва умуман коммунистик ахлоқнинг барча нормалари каби бурч асосида ҳам коммунизм, халқ, Ватан ишига садоқат ётади.

Инсон бурчи доимо конкрет намоён бўлади. Буюк Октябрдан олдин меҳнаткаш инсон бурчи кишини кишн томонидан эксплуатация қилишга асосланган жамиятни ағдариб ташлаш бўлган бўлса, Улуғ Ватан урушн йилларида бу Ватанимиз мустақиллиги йўлида немис фашистларига қарши шафқатсиз курашишдан иборат эди. Ҳозирги кунда эса коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, янги инсон, коммунизм кишисини етиштиришда актив қатнашиш совет кишиси бурчининг муҳим қисми.

Бурч кишини коммунистик ахлоқ нормаларига амал қилишга, одобли бўлишга, халқ, Ватан, партия, оила, уртоқлари олдида турган вазифаларни бажаришга ундайди, кишини қаҳрамонликлар кўрсатишга, мўъжизалар яратишга чорлайди. Бурч амри инсон иродасини метиндек мустаҳкам қилади, кишн куч-ғайратини ошириб юборади. Республикамиз пахтаворлари она-Ватанга тарихда биринчи марта 4 миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» топширдилар. «Главташкентстрой»нинг аҳил коллективи уч ой мобайнида 22 минг квартира, жуда кўп корхоналарни, мактаб ва бошқа турли биноларни тиклади, 332 минг квадрат метрдан зиёд турар жой биноларини бунёд этди. Космос қаҳрамонларидан бири В. Николаева — Терешкова «...Ватан олдидаги юксак бурчни хис этишим бутун ирода ва ғайратимни топшириқни бажаришга сафарбар қилишим учун менга ёрдам беради».— деб айтган эди.

Бурчга содиқ бўлиш инсонни бахтиёр қилади. Бахт кишининг ижтимоий ва шахсий хаётдаги фаолиятидан мамнунлигини билдиради. Буюк ёзувчи Алексей Толстой айтганидек, «Бахт киши ўз маънавий ва жисмоний кучининг тўлиқлигини, унинг жамият ишига тадбиқ этилишини хис қилишидир». Халқатан ҳам жамият, халқ, Ватан, оила олдидаги ўз бурчини бажарган кишигина бахтли бўлиши мумкин.

Бурчига содиқ бўлмаган, ижтимоий манфаат йўлида жон фидо қилмайдиган инсон бахтли бўла олмайди, маънавий жиҳатдан тубанликка учрайди, манманлик, ўзгани менсимаслик, инсонга ишонмаслик, разиллик, таннаббурлик, шахсиятпарастлик каби ярамас иллатлар унинг маънавий дунёси бўлиб қолади, уни аянчли ҳолга солади, ҳалокатга дучор этади. Бу ҳакда гап кетар экан, отаиш ватанпарвар, атоқли совет ёзувчиси Н. Островскийнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли: «Худбин ҳаммадан илгари ҳалок бўлади, у ўзи билан ва ўзи учун яшайди. Агар унинг «мен»ига шикаст етгудай бўлса, у яшашдан маҳрум бўлиб қолади. Унинг олдини худбинлик пардаси тўсиб олади. Аммо, киши ўзи учун яшамай, жамоатчиликка қўшилиб кетган вактда уни ҳалок килиш қийин: ахир, бунинг учун у яшаган муҳитни, бутун мамлакатни, бутун хаётни ҳалокатга олиб келиш керак бўлади».

Ўз тақдирини Ватан, халқ тақдири билан боғлаган, ижтимоий манфаат йўлида фидокорлик қилган кишиларнинг шон-шуҳрати абадий. Халқимиз Улуғ Ватан уруши йиллари Ватан мустакиллиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларни ҳурмат ва ифтихор билан тилга олади. Ватан, коллектив шон-шуҳрати йўлида жон фидо қилган баҳодирларни халқимиз шарафлайди.

Бурчга содиқ кишининг виждони пок бўлади. Ўз бурчини бажармаган киши ўз хатти-ҳаракатининг нотўғри эканлигини тушунгач, виждон азобига колади, кишилар кўзига тик қарай олмайди.

Ахлоқан пок кишининг виждони киши томонидан бурч кандай бажарилаётганини контроллиқ қилиб туради. Октябрь районндаги 3627/153 омонат кассасида хизмат қилувчи Н. Умаров Н. Султоновнинг йўқотган 156 сўм пулини топиб олган ва ўзига топширган. И. Умаровнинг соф виждони инсоний бурчини бажаришга чорлади. Виждони пок бурчига содик оддий солдат А. Резников ишдан сўнг Бешёғоч кўчаси бўйлаб бораркан, бир хонадондан ўт чиқаётганини кўриб, уйнинг ичига кирди, алангаланиб ёнаётган уй ичида қолган 4-5 ёшлардаги қизчани ташқарига олиб чиқади, унинг ҳаётини сақлаб қолади.

Киши маънавий дунёсининг қанчалик бой эканлигини, коммунистик ахлоқ билан қанчалик қуролланганлигини бурчини бажаришига караб белгилаш, билиш мумкин. Кишининг дўстига содиқ эканлигини унинг дўсти олдидаги бурчини ўташи инсоннинг онгига коллективизм руҳи канчалик сингганини унинг коллектив олдидаги бурчини бажаришига караб одамнинг инсоний лигини аниқлаб бўлади.

Ҳаётимизда учрайдиган бурчга амал килмаслик, унга пассив муносабатда бўлиш ҳолларини бартараф этиш, давримиз кишиларини бурчга садоқат руҳида тарбиялаш Ватанимиз олдида турган, Коммунистик партия кўрсатиб берган улкан ижтимоий тараккиёт режаларининг, коммунизм жамиятини қуриш планларининг муваффақиятли бажарилишига ижобий таъсир этади.

Т. СИДДИҚОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Мулоҳазаларим

«Келинг, бирга ўйлашайлик» сарлавҳали мақолада ҳурматли устозларимиз Юнус Ражабий, отахон шоиримиз Ҳабибийлар ўзларининг юрак сўзларини баён қилдилар.

Ҳар ким ҳам кичикдан катта бўлади, табиийки, бола бошланғич тарбияни уйда, ота-онадан олади. Умумий мажбурий таълим мактабларида уйда олган таълими, одобини ривожлантиради, олий ўқув юртида, ишхонасида ўрганган яхши хислатларни мустаҳкамлайди.

Бу тўрт босқичда ахлоқ ва одоб нормаларини тушуниб етмаган болами, каттами Сизни ва бизни ўялтириб қўяди.

Яқинда «Охунбобоев» майдонида бир воқеанинг шоҳиди бўлдим. 20—22 ёшлар чамасидаги беш-олти ўспирин йигитларнинг бири, кайфи бўлса керак, 50—55 ёшдаги киши билан уришиб, уни қаттиқ ҳақорат қилди. Ҳатто қўл ҳам кўтарди. Тўсатдан милиция ходими келиб қолгач, шу орада йигитлар ҳалиги безорини қочириб юборишди.

Мен жабрланган кишининг аҳволига ачиндим, хафа бўлдим, аминманки отаси тенги келадиган кишини хафа қилган йигит бирор институтнинг студенти. Шунинг учун олий ўқув юртларининг комсомол ва касаба союз ташкилотлари ёшлар ўртасида, завод, фабрика ва турли корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари ўз хизматчилари ўртасида ахлоқ, одоб, катта-кичикка нисбатан ҳурмат сақасида олиб бораётган ишларини янада кучайтирсалар деган умиддаман.

Ф. НУРИДДИНОВ.

МАТОНАТ

Ярим тун, шаҳар тинч уйқуда. 1-шаҳар касалхонасида ҳам тинчлик ҳукм сурмоқда. Деворлари соатнинг чиқ-чиқи, беморларнинг баъзи-баъзида уйқу аралаш алаҳлашларидан бошқа ҳеч нарса эшитилмайди.

Лекин, шу вақт ташқаридан эшитилган «тез ёрдам» машинасининг сигнали бу тинчликни бузди. Машинадан 30 ёшлардаги йигитни олиб тушишди. Юзлари кўкарган, нафас олиши қийинлашган бу йигит ўз атрофида парвона бўлаётган оқ халатли одамларга илтижо билан боқарди. Беморга тезликда медицина ёрдами кўрсатиш керак. Беҳуда ўтган бир минут касал ҳаётига хавф солади.

— Тезда Ҳакима Миршарипович чақириш керак,— деди навбатчи врач. Ҳакима опа келгач беморни операция хонасига олиб киришди...

Инсон ҳаёти учун кураш кетмоқда. Беморнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашмоқда, нафас ололмай бўғилиб қолди. Бу аҳволни кўрган врач шошиб қолмади. Унинг бир неча йиллик тажрибаси иш берди. Моҳирлик билан бемор кекирдагини кесиб трубка қўйди. Касалнинг нафас олиши яхшиланди. Бир неча минутдан сўнг нормал нафас ола бошлади. Йигит ҳаёти сақлаб қолинди. Чарчаган, лекин ўз ишидан мамнун Ҳакима опа операция хонасидан чиқар экан унинг қаршисида турган аёлнинг илтижо билан боққан кўзларига караб:

— Ташвишланманг,— деди у меҳрибонлик билан.

Бемор Қуйи Чирчиқ район, Солдатское қишлоғли Н. Чиннибеков эди.

Моҳир врач Х. Мирабдуллаева 1953 йили Тошкент Медицина институтини тамомлаб шу ерга ишга келгандан буён юзлаб беморлар унинг қўлида даволанди.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари клиникасида даволаниб тинч ижодий меҳнатга қайтган беморларнинг клиника дафтарига ёзиб қолдирган қуйидаги сўзларини ўқийсиз.

Тошкент Вакцина ва сиворотка институтининг директори медицина фанлари доктори А. Обидов шундай ёзади:

«Мен Мирабдуллаева билан бир институтда ўқиганман. Унинг ишчанлиги, ўз касбига муҳаббати институтдалигидаёқ маълум эди. Ҳозир эса, курсдошимни малакали хирург сифатида кўриш мен учун қанчалик қувончли. Бу меҳрибон аёлдан беморларнинг ниҳоятда ҳурсанд эканликларини ўз кўзим билан кўрдим».

Худди шундай илиқ қалб сўзларини бу ерда даволанаётган ҳар бир бемордан эшитасиз.

Ҳакима опа бундай шарафли касбни осонликча эгалламади. У ёшлигидан врач бўлишни орзу қиларди. Ўнинчи синфни тугатгач, 1940 йили Медицина институтига кирди. Лекин 1941 йил бошланган уруш унинг ўқишини давом эттиришига тўсқинлик қилди. Ҳамма эркаклар фронтга кетган. Оналарида ундан бошқа 9 бола. У онлага ёрдам бериш учун ишлашга мажбур бўлди.

— Ёшликдан орзу қилган касбимни эгалашни жуда-жуда истардим. Афсуски, ўша вақтда бунинг иложи бўлмади. Қийинчиликлар олдида бош эгмай ўз мақсадимга эришиш учун тинмай курашдим. Натижада орзум ушалди,— дейди Ҳакима опа.

Ҳа, ҳақиқатда Ҳакима опа ҳар қандай қийинчиликларга бардош берди. Кундузи ўқиб, кечаси ишлади. Қўлига врачлик дипломини олгач, шу касалхонага ишга келди. Дастлаб ички касалликлар бўлимида ишлади. 1958 йилда врачлар малака ошириш институтида ўқиди. Ҳозир эса қулоқ, томоқ ва бурун клиникасида бўлим мудири бўлиб ишлаяпти.

Ҳакима Мирабдуллаеванинг самарали меҳнати бир неча марта Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Яқинда Ҳакима опа ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланди.

Камтар, меҳрибон аёл ўзининг меҳнатсеварлиги, ишчанлиги билан бутун касалхона коллективи ўртасида ҳурмат қозонмоқда. У ўз касбдошларига ёрдам ва маслаҳатлар беради. Ҳозир бўлим клиникага айланган. Бу ерга республикамизнинг область ва районларидан врачлар малака ошириш учун келиб туришибди. Тажрибакор врач ўз билимлари ва иш тажрибаларини улар билан барҳам кўрмоқда.

Эндигина 42 баҳорни кўрган ўзбек аёлининг келажаги янада истиқболли.

Т. НУРИДДИНОВА,
ТошДУ студенти.

ШОНЛИ ЭЛЛИК ЙИЛЛИККА БАРИШЛАНГАН КОНКУРС

Узбекистон Журналистлар союзи «Ўзбекистон матбуоти»— «Печать Узбекистана» журнали редакциялари билан биргаликда «Юбилей йили» деган шиор остида энг яхши фотосурат учун конкурс эълон қилди.

Конкурснинг мақсади — Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқ хўжалиги, фан ва маданиятини ривожлантиришда эришилган жуда катта муваффақиятларни фотопублицистика воситалари ёрдамида кўрсатиш, меҳнат қаҳрамонлари, беш йиллик қаҳрамонлари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг, Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бораётган коммунистлар ва комсомолларнинг қиёфасини тасвирлаб беришдир.

Суратлар совет кишисининг меҳнатига, унинг ўқиши, дам олишига, ғайрат-шижоатига бағишланиши керак. Бу суратлар фан ва техника соҳасидаги янги кашфиётлар ҳамда муваффақиятларни, коммунизм қуриш эстафетасини кекса авлодлардан қабул қилиб олган ёшларимизнинг гўзал фазилатларини кўрсатиб бериши керак.

Айрим фотосуратлар ва сериялн суратлар конкурсга қабул қилинади. Ана шу фотосуратларнинг диққатга энг кўп сазовор бўлганлари «Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журналида босиб чиқарилади.

Конкурсда профессионал фотомухбирлар ҳам, ҳаваскорлар ҳам қатнаша оладилар. Конкурсга юбориладиган суратлар 1967 йил 1 сентябргача қабул қилинади.

Конкурс ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади: 100 сўмлик бир мукофот, 50 сўмлик икки мукофот ва ҳар бири 25 сўмлик тўрт мукофот. Бундан ташқари, 10 та рағбатлантириш мукофоти таъсис этилади.

Конкурсга юбориладиган суратлар 13x18 сантиметрдан тортиб 24x30 сантиметргача бўлган ҳажмдаги қора — оқ рангда қабул қилинади. Суратларни қуйидаги адресга юбориш керак: Тошкент шаҳри, 34, Навоий кўчаси, «Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журнали редакцияси «Фото — конкурс учун» деган сўзлар ёзилади. Олинган негативалар ва суратлар эгаларига қайтариб юборилмайди.

(ЎзТАГ).

ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Бугун электромонтаж цехининг илғор ишчиси Иван Чуснаков янги уйга кўчиб кирди. Уй одатдаги уйлардан эмас. У фин уйи бўлиб, завод ишчилар комитети томонидан қуриб берилган.

Трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли вагон-ремонт заводи зилзиладан зарар кўрган 52 ишчи оиласига пул ва қурилиш материаллари берган эди. Айниқса вагон-ремонт цехининг слесари И. Юсупов, механика цехи ишчиси Т. Хушвақов, А. Султонхўжаев, И. Чуснаков ўртоқлар завод дирекцияси партия ва ишчилар комитетидан беҳад хурсанд эканликларини ишда кунлик нормани 150—170 процентдан бажариш билан намойиш қилмоқдалар.

— Биз янги йил арафасида, —дейди завод ишчилар комитетининг раис Н. Чернокова,— кўп бодали ва илғор ишчиларга, пенсияга чиқиб кетган меҳнат ветеранларига яна пул ва бошқа иқтисодий ёрдам берамиз. Шу йилнинг ўзида 50 дан ортиқ ишчи турли санаторий ва дам олиш уйларида бўлдилар.

Чилонзорда Москва кварталини бунёд этаётган «Главмосстрой» қурувчилари шу кунлар ичида яна уч 80 ва бир 50 квартирали уйни фойдаланишга топширадилар.

Суратда: 179-қурилиш бошқармаси бинокорлари томонидан қуриб битказилган 80 квартирали янги уй.

М. Нуриддинов фотоси.

БУЁҚЧИЛАР ЕТАКЧИСИ

Тошкентда зилзила бўлди, деган шум хабарни эшитган Люба Самарқанддан пойтахтни тиклашга йўлланма олди. У 1-«Отделстрой» трестига қарашли 12-қурилиш бошқармасида бўёқчи бўлиб ишлай бошлади. Ўзининг меҳнати билан тез орада танилди, кечаги шогирд, бугун эса қурилишга янги келган ёшларга бошқўқош — бригада бошлиғи.

Людмила Малахина, Валентин Лебедов, Михаил Понев сингари ёшлар устози Люба Степанова қўлида таълим олиб, қисқа вақт ичида бўёқчи деган фахрли касб эгаси бўлдилар.

Партия ва ҳукуматимиз Люба Степанованинг фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлади. У қурувчилар куни арафасида «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди.

Шу кунларда Л. Степанова бошлиқ бригада бўёқчилари иш суръатини тобора тезлатиб, зилзиладан зарар кўрган оилаларни тезроқ уй-жой билан таъминлаш иштиёқида яна ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

Аҳил коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган. Қунлик ва ойлик топшириқлар 160-180 процентдан ада этилмоқда.

К. ПАРДАЕВ.

1935 ЙИЛ

1 ИЮЛ. Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Самарқанд Давлат университети)ни дастлабки 179 киши битириб чиқди. Улардан 60 киши хотин-қизлар эди.

ИЮЛ. Бухоро марказий электростанциясининг биринчи навбати ишга туширилди.

1 АВГУСТ. Ўрта Осиё темирйўли сиёсий бўлими телефон станциясининг хизматчиси, комсомол аъзоси Башорат Мирбобоева ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб самолётдан парашют билан сакради.

15 АВГУСТ — 26 СЕНТЯБРЬ. Тошкентда СССР енгил саноат муассасаларининг маҳсулотлари кўргазмаси бўлди.

15 АВГУСТ. Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг ўн йиллигини нишонладилар.

СЕНТЯБРЬ. Урганчда Хоразм областида биринчи олий ўқув юрти — Ўзбекистон ўқитувчилар институти иш бошлади.

СЕНТЯБРЬ. Термезда Давлат театри очилди.

11 ОКТЯБРЬ. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 345, 35 гектар ерни Янгийўл районидаги Тўрабеков номли колхозга абадий фойдаланиш учун давлат акти топширилди.

31 ОКТЯБРЬ. Тошкентда республика меҳнаткаш ёш хотин-қизларнинг биринчи съезди очилди.

ОКТЯБРЬ. Тошкентда республика марказий автомобиль клуби очилди.

ОКТЯБРЬ. Урганчда республикада биринчилар қаторида машина-йўл станцияси ташкил этилди.

ОКТЯБРЬ. Тошкент Марказий телеграфида фото-телеграммаларни эфирга қабул қилувчи ва узатувчи аппарат фойдаланишга топширилди.

3 НОЯБРЬ. Тошкентда ишлаб чиқариш илғорларининг биринчи слёти бўлиб ўтди.

7 НОЯБРЬ. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи нур ва сув билан даволовчи шифохона очилди.

15 НОЯБРЬ. Тошкентда Ўзбекистон зарбдор колхозчиларнинг иккинчи съезди очилди.

НОЯБРЬ. Тошкентдаги Куйбишев кўчасида Ўзбекистон халқ хўжалиги музейи очилди.

13 ДЕКАБРЬ. Москвада СССР Ер ишлари Халқ комиссарлигида пахта далалари стахановчилари, Ўзбекистон юқори ҳосил усталарининг кенгаши бўлди.

15 ДЕКАБРЬ. Тошкентда республика маҳаллий саноат стахановчиларининг слёти очилди.

16 ДЕКАБРЬ. Тошкентда саноат ва транспорт стахановчиларининг биринчи слёти очилди.

19 ДЕКАБРЬ. Пахта етиштиришда колхозчи ота-оналарга ёрдам кўрсатганликлари учун Ворошилов номли колхоздан пионер Ҳавохон Отақулова ва Қўқон районидаги «Коммуна» колхозидан пионер Нишонбой Қодировлар «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландилар. Улар пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда колхозчи ота-оналарга яқиндан ёрдам берганликлари учун юксак ҳукумат мукофотига сазовор бўлган распубликанинг биринчи пионерларидир.

19 ДЕКАБРЬ. Москвада Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қорақалпоғистон пахта далалари илғорларининг кенгаши очилди. Пахтачиликда эришган юксак муваффақиятлари учун Ўзбекистоннинг 71 пахтакори Ленин ордени билан 22 киши «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан 11 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

ДЕКАБРЬ. Тошкентда Низомий номли педагогика институти таъсис этилди.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг республика илмий медицина кутубхонаси ташкил этилди.

* * *

Тўрткўл шаҳрида Қорақалпоғистон АССР Маданият министрлигининг республика кутубхонаси ташкил этилди. 1936 йилда бу кутубхона Нукус шаҳрига кўчирилди.

* * *

Помир-Тяньшан «Золоторазведка» конторасининг Оҳангарон — Косонсой отряди инженер Коротков раҳбарлигида Ўрта Осиёда биринчи Олмалиқ руда олтин конини аниқлади. Шу ернинг ўзида олтин қумлари ҳам топилди.

* * *

Ўзбекистондаги доимий яслилар сони 900 га етди. Уларда 28 минг бола тарбияланар эди.

* * *

Шу йили республикада 884.289 гектар майдонга чигит экилган эди. Йиғиштириб олинган ялпи пахта ҳосили 1 миллион 32 минг тоннани ташкил қилди.

ИНСОНПАРВАРЛИК — ҲАЁТИМИЗ ҚОНУНИ

Кишиларни маънавий-ғоявий жиҳатдан шакллантириш масалалари орасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш катта ўрин тутади.

Инсонпарварлик тушунчаси ахлоқнинг энг муҳим принципларидан бири бўлиб, у синфий моҳиятга эгадир. Хусусий мулк ва эксплуатацияга асосланган буржуа жамиятн индивидуализм, худбинлик, эгоизм, кишн-кишига бўри деган инсонпарварликка зид психология ва идеологияни вужудга келтиради.

Буржуа идеологияси инсониятга қарши қаратилган индивидуализмни «адабий ҳақиқат» даражасига кўтаради, савдо эркинлиги, демагогия, шантаж, риёкорлик эркинлигини, кишиларнинг фазилатларини камситиш эркинлигини, шахсий бойлик орттириш эркинлигини кўкларга кўтаради. Ўзаро душманчилик, шафқатсизлик, ваҳшийлик буржуа индивидуализмига хос хусусиятлардир. Бу ўринда ҳозирги Америка ҳаётидан олинган ва яхши туйғу ҳамда фикрларнинг поймол қилинишидан далолат бериб турувчи бир мисол келтириб ўтамиз.

26 ёшлик америка граждани Фредерик Деверо армияга чақирилиб, Жанубий Вьетнамга урушга жўнатилади. Бу ерда у эўрлик қилиш ва ўлдиришга тез ўрганди, йиртқичга, садистга айланди. Жаллодлик вазифасини яхши ўтаганлиги учун уч медаль ҳам олди. Фредерик бундан бир неча ой муқаддам кетган шаҳри Форт Диксга қайтиб келганда хотини эрини танимай қолди. Унинг олдида бутунлай бошқа бегона одам турарди. Хотини буни тўла тушунмб етгандан, сўнг эридан ажралишни талаб қилди. Деверо хотинидан ажралмади. Бунинг ўрнига у якшанба кунларидан бирида хотини турган хонанинг эшигини очиб, одатдаги ҳаракат билан милтиқ тепкисини босди. Фредерик ана шу милтиқдан Вьетнамда гуноҳсиз ва қуролсиз аёлларга, болаларга, қариялларга ўқ отган эди. Энди эса шу милтиқ билан у ёш болала хотинини отиб ташлади.

«Сариқ иблис» ахлоқининг моҳияти ана шундай. Буржуа идеологлари инсонга ҳурмат, тенглик ҳақида оғиз кўпиртирибг гапирадилар. Ҳолбуки Америкада ҳозиргача инсон шаънига тўғри келмайдиган формаларда инсоний камситишлар давом этмоқда. Америка негрлари тенг ҳуқуқ берилиши ва ўзларининг инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши учун курашмоқдалар.

Инсонпарварлик, одамийлик ва кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат абстракт тушунча бўлмай, балки турмушдан, кунгалик совет воқелигидан келиб чиқаётган реал принципдир. Совет кишиларидаги инсонпарварлик фазилати айниқса Тошкент ахолисига катта офат келтирган ятиробли зилзила кунларида ўзининг ҳаётбахш кучини яққол кўрсатди. Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар деган олижаноб принципга асосланган ва ягона оилага уюшган Советлар диёрининг иноқ халқлари тошкентликлар бошига оғир кун тушган дамларда ёрдам қўлларини чўздилар.

Улуғ Советлар мамлакатида янги Тошкентни барпо этишга қўли гул, қалби оташ ўғил-қизларини йўлламаган элу-элатлар қолмади. Бутун мамлакатимизда Тошкент қурилиши умумхалқ иши деган шиор майдонга ташланиб, барча қардош республикалар, Москва ва Ленинграднинг шонли бинокорлари Тошкентга ёрдамга отланди.

Тошкент сўзи эндликда дўстлик ва қардошлик, меҳр-оқибат ва садоқат, инсонийлик тушунчаларига уйғунлашиб кетди.

Ҳаётимизнинг олий қонуни — дўстлик ва қардошлик, юксак олижаноблик ва инсонпарварликнинг қудрату азми, ҳусн-малоҳати ана шундай. Биз буларнинг ҳаммасида социалистик тузумнинг, партиямизнинг ленинча миллий сиёсатининг ,совет халқлари бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлигининг қудратли кучини кўриб турибмиз.

Чинакам инсонпарварлик совет кишилари турмушининг доимий нормасига айланмоқда. У мамлакатимиз халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигида, совет кишиларининг меҳнатсеварлигида, уларнинг маънавий софлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Тошкентлик Қурбон ота Бекмуҳамедовни яқин-яқинларгача кўпчилик билмасди. Мана шу оддий меҳнаткаш киши офат юз берган куниёқ зилзиладан қаттиқ шикастланган маҳаллага келиб бошпанасиз қолган оилаларни ўзиникига таклиф этди. Қурбон ота В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртидан бўлғувчи 102 педагог қизни ўз уйига таклиф этди. Хўш, уни бу ерга келишга нима мажбур қилди? Виждони, қалб амри ана шу олижаноб ишга даъват этди уни.

Қурбон ота фақат ўз тинчлигини ўйламади, у бошқалар тўғрисида кўпроқ бош қотирди. Ўз болаларини қариндошларининкига жойлаштирди.

Дарҳақиқат, тошкентликлар янги замон кишисига хос гўзал маънавий ва сиёсий фазилатлари — коллективизм, ўртоқлик, ғамхўрлик ва меҳрибон бўлиш фазилатларини намойиш қилмоқдалар. Тошкентга ёрдам фонди ташкил этилиши, бошпанасиз қолган оилаларни гражданлар ўз уйларига ихтиёрий равишда кўчириб кетишлари болаларга ғамхўрлик ва бошқа шу каби кўп ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди.

СССР халқларининг қардошлик оиласида энг гуманистик жамият барпо этаётган халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири бўлган инсонпарварлик ва ўзаро ҳурмат туйғуси жамиятимиз аъзоларининг ҳаётида чуқур ўрин эгаллаб, коммунизм сари ҳаракатимизда катта роль ўйнамоқда.

Қ.ОРИПОВ.
Тошкент тўқимачилик институти КПСС тарихи ва фалсафа кафедраси старший ўқитувчиси.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 2 бет

21 ДЕКАБРЬ, 1966 Й.

ПАССАЖИР АВТОБУСЛАР ИШИ ЯХШИЛАНСИН

Шаҳримизда зилзила оқибатлари тезлик билан тугатилмоқда. Сергели Йўлдош шаҳри, «Октябрь», «Партия XXI съезди» уйжой массивлари барпо этилди. Шунга мувофиқ равишда янги автобус маршрутлари очилди. Аммо транспорт хизматида камчиликлар ҳали ҳам мавжуд. Редакцияга келган хатлар ана шундан далолат бермоқда.

Бу хатларда автобус қатнови тартибга солинмаётганлиги ҳақида кўпгина шикоятлар бор. Редакция шаҳар пассажирлар ташиш автомобиль трестининг бошлиғи Ўртоқ **Ботирали Хўжаевдан** меҳнаткашларнинг редакцияга юборган шикоятларига, саволларига жавоб беришни илтимос қилди. Қуйида Ўртоқ Б. Хўжаевнинг жавобларини газетхонларга ҳавола қиламиз:

— Биринчи маршрут автобуслари тез юришга ўтди. Бу фойда беряптими? Бошқа маршрутларда ҳам бу усулни қўлланиш мумкинми?

— Ҳозирча аниқ жавоб бериш қийин. Автобуслар қатновини, тезкорлик методига ўтказиш баъзи остановкаларни йўқотишни талаб қилади. Бу усул бир томондан яхши бўлса, иккинчи томондан баъзи эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун янги усул ўрганиляпти, механнаткашларнинг истаклари ҳисобга олиняпти. Қайси усул қулай бўлишини келажак кўрсатади.

— Илгари 46-автобус ҳар 6-7 минутда қатнар эди. Ҳозир 20-30 минутда қатнаяпти. Сабаби нимада?

— Янги «Октябрь», «Партия XXI съезди», «Бирлик» ва Сергели каби катта-катта қурилиш массивларининг барпо этилиши туфайли, биз янги маршрутлар очиб, машиналарнинг бир қисмини ажратишга мажбур бўлдик. Тўғри, янги машиналар ҳам олганмиз. Аммо у машиналар ҳам эҳтиёжимизни тўла қондирмайди.

— Редакцияга келган кўпчилик хатларда 53-маршрут автобусидан шикоят қилинади. Баъзан автобусни соатлаб кутишга тўғри келади. Эрталаб, кечқурун шу маршрутга кўпроқ автобус ажратишнинг иложи йўқми?

— Бу маршрутда аҳоли сони кун сайин кўпаймоқда. Илгари бу маршрут Ҳадрага қатнар эди. Ҳозир Кўкчага кўчирилди. 52-маршрут ҳам шундай. Бу ҳақда бизга кўплаб хатлар келаяпти. Биз меҳнаткашларнинг талабларини эътиборга олиб, янги йилдан 53-маршрутни Ҳадрагача, 52-маршрут автобусни Олой бозоригача қатнайдиган қилмоқчимиз. Шунда автобусларнинг қатнови бироз тартибга тушади.

— 55-автобус ҳам ҳамиша тиқин, соатлаб кутишга тўғри келади деб хат олинган. Бунга нима дейсиз?

— Жуда соатлаб кутишга тўғри келмаса ҳам баъзан, графикдан четга чиқиш ҳоллари бўлади. Бунинг учун баъзан йўлларнинг берк бўлиши, айланиб юришга тўғри келиш сабаб бўляпти. График ҳаддан зиёд бузилса, биз шоферларни устама мукофотдан маҳрум қиламиз. Ўртада шахсий моддий манфаат бўлгач, менингча, ҳар бир шофёр графикни бузмасликка ҳаракат қилади.

— Чилонзорнинг 12-кварталы атрофида 54, 32, 27-маршрутлар қатнайди дейилган эди. Нега энди бу автобуслар қатнамаяпти?

— Тўғри. Бу автобуслар ўша атрофда қатнаган, қатнаяпти ҳам. Икки ой ичида маршрут саккиз марта алмашгани ҳам рост. Катта ҳажмдаги қурилиш ишларининг амалга оширилиши ва йўлларда канализация қувурларининг ётқизилиши бунга сабаб бўлмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги институти янги бинога кўчди. 19,41-автобуслар ўша томонга қатнайди. Аммо институтга етмай тўхтайди. Автобусларни институт ёнидан қатнайдиган қилишнинг иложи йўқми?

— Биз Висоководьтнийга қатнайдиган 41-автобусни институт биносига етказиш ниятидамиз. Янги йилдан бу маршрут шундай ўзгарса керак.

— Кўпгина автобусларда абонемент бўлмайди. Масалан, 75, 68, 54-автобусни олайлик. Бунинг сабаби нимада?

— Абонемент деярлик барча автобусларда бор. 54-автобусда ҳам сотилади. Лекин 75, 68-автобусларга абонемент тадбик қилиб бўлмайди. Чунки у автобуслар шаҳар ташқарисига қатнайди.

— Шаҳарда маршрутли таксилар ёки микроавтомобиллар қатнови қўл келмоқда. Трест бундай хизматни янада яхшилаш ниятидами?

— Маршрутли таксининг афзалликлари ҳақида меҳнаткашлардан кўплаб миннатдорчилик хатлари оляпмиз. Транспортнинг бу тури чиндан ҳам қулай. Йўловчи ҳам вақтдан ютади, ҳам хизмат вақтида унга анча қулайликлар яратилади. Биз ҳам шундай хизмат тарафдорлиги. Аммо имконият йўқ. «РАФ-977» микроавтобуслар кўплаб берилса, кўнгилдагидек бўларди.

— Транспорт хизматининг истиқболлари қандай? Янги автобуслар олинадими?

— Янги йилда 400 га яқин янги автобус оламиз. Аммо у автобусларни қабул қилиш учун бизда парк йўқ. Мавжуд паркларни ремонт қилиб, қайтадан тиклашга улгура олмаймиз. Агар Чўқурсойдаги парк ҳисобига ҳозир 68 процент автобус маршрутга чиқаётган бўлса, қурилиш ниҳоясига етиши билан 80 процент автобус маршрутга чиқадиган бўлади.

Юқоридаги ишларни бажариш учун 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси Иван Петрович Абросов бир неча марта шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетида ваъдалар берди, устма-уст мажбуриятлар олди. Шу билан иш тамом, вассалом. Ўртоқ Абросов қурилиш бошлангандан буён ҳатто бирор марта объектни бориб кўрмади ҳам.

Улар қурилишни иккинчи кварталда топшириш мажбуриятини олишса-да, ўтган ўн бир ярим ой ичида қурилишга ажратилган йиллик маблағнинг 31 процентн ўзлаштирилди, холос.

Биз трест коллективининг ишлари кўплигини ҳисобга олиб, қолган ишларни тугатиш учун бошқа қурилиш бошқармасига мурожаат қилдик. 159-трест бошлиқлари бу қурувчиларни қурилиш материали билан таъминлашнинг ҳам уддасидан чиқишмайди.

Биз юқорида кўрсатган камчиликлар қанчалик камайса, иш шунчалик яхшиланади. Транспорт ишини яхшилаш эса умумхалқ иши. Бунда ҳар қачонгидек аҳоли ёрдамига муҳтожмиз.

РЕДАКЦИЯДАН: Кўринди турибдики, шаҳарда автомобиль транспорти қатновини тартибга солишда анча қийинчиликларни енгишга тўғри келади. Бунинг учун бир мисолга мурожаат қиламиз: Тошкентда зилзилагача 30-32 процент йўловчи автобусда қатнар эди. Эндиликда эса бундай йўловчилар 50 процентдан ҳам ошиб кетди. Янги уй-жой массивлари фойдаланишга топширилиши муносабати билан автобус хизматига талаб янада ортади.

Яқин икки-уч ой ичида Украина, Ленинград, Москва бинокорлари янги уй-жойларни фойдаланишга топширадилар. У ерга янги кўчиб борганларни манзилга етказиш учун эса яна автобусга мурожаат қилинади. Кўпгина янги маршрутлар очишга тўғри келади. Амо шу вақтга қадар янги объектларда автобуслар қатнайдиган жой тайёрлангани йўқ. Агар бу масала узилкесил ҳал этилмаса, келгусида янада катта қийинчиликларга дуч келинади.

Пассажирларга хизмат қилиш — автобус трести коллективининг шарафли бурчи, бу бурчни оқлаш эса ҳар бир шофёр, кондуктор ва автобаза ходимидан ҳалол ишлаш, йўловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини синчиклаб ўрганишни талаб қиладн. Бу ишда жамоатчи контролёрлар ва инспекторлар ҳам автомобиль хўжаликлари ходимларига ёрдам беришлари лозим.

Билим юрти санъатчилари

Тошкентдаги маданий-оқартув билим юртининг санъаткорлари ёшлар ва студентларнинг республика кўригига жиддий тайёрланмоқдалар. Фестивалда техника билим юртининг музика бўлими студентларидан 70 га яқин йигит-қиз қатнашади.

Техникумнинг бадиий раҳбари Ёшлар ва студентларнинг VI жаҳон фестивали лауреати М. Умаров бошчилигидаги балетмейстерлар, Ш. Усмонов ва А. Тартауловлар раҳбарлигидаги кўпгина санъаткорлар ўз талант ва маҳоратларини намойиш қилишмоқда. Болалар боғчаси музикаси бўйича иккинчи курс студентларидан Г. Исмоилова, Ж. Ҳамидова, Х. Тошева, музика бўлими студентларидан Ж. Набиев, А. Қодирова, А. Иброҳимов ва музика бўлимидан А. Давидовалар ана шундай талантли ёшлардир.

Маданият ўчоғининг талантли санъаткорлари шу кунларда барча эътиборларини кўрикда муваффақиятли чиқишга қаратмоқдалар.

Малавий. Овчилар ўрмонга овга чиқишади. Учига темир ўрнатилган найзалар улар учун асосий қурол ҳисобланади.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

ХИТОЙЛИК БУЗҒУНЧИЛАР ФРАНЦИЯДА НИМА ҚИЛИШМОҚДА

ФРАНЦИЯДА ЧИҚАДИГАН «ЮМАНИТЕ» ГАЗЕТАСИ ИШЧИ ЛУИ ФАРАДУНИНГ ҚУЙИДАГИ ХАТИНИ БОСИБ ЧИҚАРДИ. МУАЛЛИФ БУ ХАТ БИЛАН ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИ.

«Қиматли дўстлар!»

Мен Венисье шаҳридаги «Берлие» автомобиль заводининг термик ишлаш цехида наладкачи бўлиб ишлайман. 15 йилдан бери партия аъзосиман. Партия билетимнинг номери — 186455.

Мен Хитой Халқ республикасидан келган «техник мутахассислар» билан иш юзасидан доим алоқа қилиб туришимга тўғри келади. «Берлие» заводи уларнинг заказини бажариб, юк автомашиналари ишлаб чиқармоқда.

Бу делегация тахминан 60 кишидан иборат. Улар асосан ҳарбий кишилардир. Делегацияга полковник Чэн Чэн-лю бошчилик қилади.

Хитойдан келган бу «техник мутахассислар» кўп вақтдан бери Мао Цзе-дуннинг шахсига сиғиниш ҳамда унинг ғояларини оммалаштиришдан иборат актив пропаганда ишларини олиб бормоқдалар ва бизнинг партиямиз ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига нисбатан туҳматдан иборат фикрларни ўртага ташламоқдалар.

Улар ўз ташкилотининг сиёсий раҳбари, Хитой коммунистик партияси Пекин ташкилотининг раҳбар ходимларидан бири бўлган Чжу Сян-ци орқали мен билан алоқа боғладилар. Чжу Сян-ци Париждаги Хитой элчихонаси билан мустаҳкам алоқа боғлаб турибди.

Мен дастлабки кунларданоқ уларнинг назариясини, халқаро коммунистик ҳаракатдаги бузғунчилик сиёсатини рад этдим. Улар қилаётган таклифлар бутунлай жиддий тус олганидан кейин ўз секциямнинг раҳбарлигига буни хабар қилдим. Мен ўз секциямиз ва федерациямизнинг ўзаро келишуви билан уларнинг иғвогарлик ҳаракатлари қаергача боришини билмоқчи бўлдим.

Улар мени меҳмонга, кечки овқатга тез-тез таклиф қиладиган бўлишди. Бундай пайтларда уларнинг ҳуштам овқати Мао Цзе-дун ғояларини кўкларга кўтариш ва менинг партиям ҳамда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига туҳмат қилишдан иборат бўлар эди. Улар бизнинг партиямиз раҳбарларига қарши ҳақоратли гаплар айтиб, қадаҳ кўтарар эдилар.

Хитой «техник мутахассислари» ихтиёрида каттакон мажлислар зали бор. Бу зални «Берлие» заводи дирекцияси қуриб берган. Мазкур залда Мао Цзе-дуннинг каттакон портрети осиб қўйилган.

Улар менга Мао Цзе-дун асарларининг комплектлари ва брошюраларини тез-тез берадиган, уларни ҳамкасбларим орасида тарқатишни. Франция Коммунистик партияси сафидан бундай китобларни мунтазам ўқийдиган китобхонларни топишни илтимос қиладиган бўлиб қолишди.

Улар шунгача бориб етишдики, мендан федерация конференциясига ҳамда партия съездига мандат олишни хоҳламайсизми, деб сўрайдиган бўлишди. Мендан партиядан чиқишни истайдиган коммунистлар борми, деб сўрадилар. Шунингдек, «Берлие» заводидаги партия аъзоларининг рўйхатини топишни илтимос қилдилар.

Мен улардан ғоят нафратлансам ҳам, уларнинг мақсади софдил коммунист ишчиларни партиядан чиқишга ундашдан иборат эканликларини билсам ҳам, «биродарлик» дискуссияларига боравердим. Жумладан, яқинда Чжу Сян-ци менга «марксча-ленинча тўғарак»на кириш, унда раҳбарлик вазифасини ўташ, шунингдек корхоналарда мана шундай «тўғаралар» ташкил қилиш билан шуғулланишни таклиф қилди. Чжу Сян-ци «бу иш анча мураккаб бўлганлиги, оилами оғир аҳволга солиб қўйиши мумкинлиги» учун мени пул билан таъминлашга тайёр эканликларини маълум қилди. Унинг фикрича, бизлар Франция Коммунистик партияси ичида ҳам бошқа мамлакатларда ташкил қилинганидек, шундай коммунистик партия ташкил қилишимиз керак эмишки, бу партия Мао Цзе-дун ғояларига амал қилиб, катта ишларни бажариши лозим эмиш.

Ниҳоят, улар 9 декабрь куни мени мажлисга таклиф қилишди. Бу мажлисда «қизил соқчилар» раҳбари Ма Цзи-хунь ва шу группа ҳазиначиси Ли Чун-цин билан мени таништириб қўйдилар.

Улар Франциядаги «марксча-ленинча тўғарак» раҳбарлари билан Чжу Сян-ци орқали алоқа боғлашимни таклиф қилдилар. Бир ҳович студент ва собиқ коммунистлар аъзо бўлган мана шу тўғаракда мен ўзимнинг функциямни билиб олишим керак эди.

Ҳозирги кунда мен Хитой раҳбарлари сиёсатининг характерини ва уларнинг коммунистик партиялар орасида олиб бораётган бузғунчилик сиёсатини фош этиш муддати етди деб хисоблайман. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ўз партиям раҳбарлигига маълум қилмоқдаман. Агар бу нарса партия ишига, халқаро коммунистик ҳаракат ишига фойда келтирса, менинг хатимдан фойдаланишни сўрайман.

Лозим кўрилган барча қўшимча маълумотларни беришга тайёрман.

Луи ФАРАДУ,
Пьер Куртад номидаги ячейка.
(«Литературная газета»дан).

АФИШАЛАР СЎЗЛАЙДИ

Эль-Қувайтда тўсатдан қоронғу тушади. Қуёшнинг мис баркаши уфққа ёнбошлаб улгурмасдан ҳамма ёқни туман тушгандек тун пардаси қоплайди. Радио карнайларидан бутун шаҳар бўйлаб таралган шом номозининг овози тинади. Бу пайтда Эль-Қувайт чеккаларида сокинлик, шаҳар марказида эса ҳаёт яна янги куч билан яшнайди. Ранг-баранг неон лампалари — реклималар чарақлаб, катта магазинларнинг эшиги очилади. Тушки жазирамадан кейин кичик бақолчилик дўконларининг эгалари ҳам савдони бошлаб юборадилар.

Эль-Қувайт ўсмоқда, унинг қиёфаси ниши ҳайрон қоларли даражада тез ўзгармоқда. Бу ерда янги-янги уйлар, меҳмонхоналар, магазинлар пайдо бўлмоқда. Бу ўз ўзидан тушунарли — Қувайтда нефть бозори авжида. Эль-Қувайт кўчаларида оқшомлари театр афишалари пайдо бўлиб, кўпни қувонтиради. Бинобарин, улар яқиндагина пайдо бўлиб, бу афишалар мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлардан ёрқин бир мисолдир.

Қувайтда дастлабки биринчи театр коллективи 1958 йилда мамлакатнинг энг ўқимишли кишиларидан бири Ҳамид аль-Ражаб (ҳозир Қувайтнинг БАРдаги элчиси) бир неча ҳаваскор артистларни уюштирганда дунёга келган. Бироқ, аслида чинакамига миллий театр 1961 йилда мамлакат мустақилликка эришгандан кейин ривожлана бошлади. Ҳозир мавжуд тўрт миллий театр коллективи ўша даврда шакилланган эди. Улардан энг яхшилари— «Масрах аль-Арабий» (Араб театри) ва «Масрах «аш-Шаабий» («халқ театри») театрларидир. Бу театрлар асосан театр санъатининг ташаббускор ихлосмандлари кучи билан ташкил этилган бўлиб, уларнинг ёрдами билан иш олиб бормоқда. Бироқ, ҳукумат ҳам муайян миқдорда моддий ёрдам кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлаб турибди. Бу ёрдамсиз театрлар иш кўриши қийин эди.

— Театрлар биз учун даромадни кўзлайдиган муассаса эмас,— дейди мен билан суҳбатда социал ишлар министрлиги маданият ишлари бўйича бошқармасининг раҳбари Аҳмад аль-Бакир. Уларнинг асосий мақсади— халқнинг маданий савиясини кўтаришга ёрдам беришдир.

Театрларнинг репертуарлари билан таниш-тан киши унинг гаплари рўй-рост эканлигига иқрор бўлади. Саҳналаштирилган пьесаларнинг ҳаммаси Қувайт воқелигига оид у ёки бу муҳим ижтимоий проблемаларни маълум даражада кўтариб чиққан.

Кишилик жамиятининг энг яхши идеаллари қарор топтириш, феодал сарқитларни қоралаш, хотин-қизларни озодликка чиқариш талаби Қувайт пьесаларининг асосий мавзуидир. Шунинг учун ҳам улар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олиниб, катта муваффақият қозонмоқда.

Қувайтнинг ўз драматург кадрлари ҳам етишилмоқда. Улар ёзган пьесалар театрлар репертуарининг асосий қисмини ташкил этади.

Театрлар ўз фаолиятида тез-тез қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, «Халқ театрининг» энг яхши коллективига маҳаллий руҳонийларнинг гапига кўра, масжидга яқин бўлган жойда чиқиш учун рухсат берилмаган. Бу ерда артист кадрлар, айниқса хотин-қизлар етишмайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ҳамузгача баъзи эътиборли кишилар маҳаллий хотин-қизларнинг Қувайт кўчасида қора чодра ёпинмай очиқ юришини жиноят деб ҳисобламоқдалар. «Менинг баъзи бир қариндошларим,— дейди етакчи артистка, Қувайт қизлари орасида саҳнага биринчилар қаторида чиққан Марьям Салех.— театрда ишлашимни катта гуноҳ деб ҳисоблаб, мен билан юз кўрмас бўлишган».

Барча қийинчиликларга қармай, янгилик, тараққиёт Қувайтдан ўзига йўл топмоқда. Артистлар сони ошмоқда, улар маҳорати камол топмоқда. Театрларнинг репертуари бойимоқда. Энг талантли ёшлар уч йилдан бўён иш олиб бораётган махсус саҳна санъати курсларида ўқитилмоқда. Келгуси йил ўз хонандалари ва созандаларини тарбиялаб етиштирадиган мамлакатда биринчи музика мактабини очиш кўзда тутилмоқда. Миллий театр биноси қурилиши планлаштирилган.

Эль-Қувайт.

Р. МОСЕЕВ,
(ТАСС мухбири).



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

КАТТА САНОАТ ОБЪЕКТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛГАНЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДАН ХУШ ХАБАРЛАР КЕЛМОҚДА.

СУРАТДА: СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН ПЛЕВЕНДА ҚУРИЛГАН ЯНГИ ШИША ЗАВОДИ. ЯҚИНДА БУ КОРХОНА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАЙДИ.

БТА — ТАСС фотоси.

МУҲОКАМА ТАРЗИДА

ЧОЙ ВА ЧОЙХОНА ИЗЛАБ

Яҳё ҒУЛОМОВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Йўл толиқтисидан кейин, ишнинг чарчоғи устига, совуқ қиш, алъоташ иссиқ ёз кунида бир пиёла иссиқ чой жонга роҳат, танга ором бахш этади. «Чой ичмасанг куч қаёқдан келади» деган ўзбек таъбирини одатда соддаликка йўямиз. Бу нотўғри, албатта. Ҳақиқатда иссиқ чой куч бахш этади, кишининг ҳоврини чиқаради ва чарчоқни тарқатади.

Бир кун Тошкентда Москва, Ленинград ва Тошкентнинг бир неча таниқли олимлари, профессор, академиклари даврасида суҳбат қуришганимиз ҳозир ҳам ёдимда. Ҳамма ичимликлар устида сўз борди. Суҳбат оқибатида чойдан улуғ ичимлик йўқ, деган хулосага келинди.

Чой, аввало суҳбатнинг хуруши. Айниқса бизда уйга меҳмон келса, дастлаб меҳмонга чой тутиш одат тусини олган. Тўрт дўст бир жойга йиғилиб қолса, ўртада бир чойнак чой, қаердан бўлмасин, ҳозир бўлади. Яқин кишисини таклиф қилувчи ҳар ким: «Қани ҳовлига марҳамат, чой қилиб берай» дейди, албатта.

Чойни уйда тонг отардан эл ётаргача ичилади. Лекин уни гузарда, махсус чой сотувчи жамоат уйлари — чойхоналарда ҳам ичилади. Чойхоналарда чойни чойхўрсуяр қилиб тайёрлайдилар, шунга яраша чойнак-пиёла ҳам шай ва озода тутилади. Бу нарса халқимизда анъана бўлиб қолган. Кўнгилни хушнуд этувчи бу фазилат асрлардан бери давом этиб келади. Маҳаллий этнографика деганимизнинг маъноси шуки, бизнинг Ўрта Осиё шароитида яшаётган ўнлаб миллатларнинг ҳаммаси чойсиз ва чойхонасиз тура олмайдилар. Пахта пунктига юк туширганлар ён-ёқадаги чойхонага кетма-кет кириб туришар экан, улардан бирортаси олган чойини охиригача ичмайди. Бу холни кузатиб ўтиргач, бир чойхўрни тўхтатиб:

— «Чойни оласизлару, биттангиз ҳам охиригача ичмай ташлаб кетасиз, бу қанақаси?» — деб сўрадим.

— Тўғри мулла ака. Бизга шуниси кифоя. Чой бўлмаса одам шалпайиб қолади. Шу бир пиёласи билан биз яна боягидек ишни давом эттираверамиз.

Ҳақиқатдан ҳам шофёр, аравакаш ва йўловчи йўл устидаги чойхонада албатта бир пиёла иссиқ чой ичмай ўтмайди.

Бундан ташқари маҳалла, гузар ва қишлоқ аҳли кечки пайтлардан меҳнатдан сўнг тўпланишиб, бир чойнак чой атрофида дилкашлик қилишади. Бунга ҳам халқ қадимдан одатланган. XVII аср автори Малихо Самарқандий ўша замонларда Самарқанд ва Бухородаги гузарларда «Қаҳвахоналар» борлигини гапиради. Қаҳвахоналар Ғарбий Осиё мамлакатларида машҳур. Лекин, улар бизнинг Ўрта Осиё шаҳарларига етиб келганми ёки шу ном остида Малихо чойхонани ифодалайдими, буниси ноаниқ. Ҳар ҳолда, гузарларда қаҳвами, чойми сотиладиган ҳозирги чойхоналар типидаги бир жой бўлганлиги маълум. Бу традиция асрларни оша бизгача етиб келди.

Чойхонанинг маҳаллаларида жамоат тўпланадиган бирдан бир жой бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Совет қурилиши бошланишиданоқ чойхоналар аҳоли учун ташвиқий ва тарғибот ишларини олиб боришда қулай жой тариқасида фойдаланилган. Чойхоналарни хусусий чой савдоси уйидан ажратиб «Қизил чойхона» номи билан сиёсий маориф ташкилоти ихтиёрига ўтказилган, тарбия ўчоғига айлантирилган. 1930 йилларга яқин қизил чойхоналар тармоғи бутун мамлакат бўйича ягона тармоқ бўлиб қолади. Маҳалла, сиёсий маориф ташкилотлари аҳолининг чойхона билан чамбарчас боғлиқлигини яхши ҳисобга олиб, ундан маҳаллаларда совет қурилиши ишлари учун тўла фойдаланди. Қизил чойхонага осилган ҳар бир плакат, ундаги радио аҳоли орасида оммовий сиёсий ишларни олиб боришга хизмат қилди.

Чойхоналар маънавий жиҳатдан район сиёсий маорифи қарамоғида, ташкилий ва молия жиҳатдан маҳалла, гузар, корхона колхоз чойхона комиссияларига қарам бўлиб, фақат бозор жойидаги, парклардаги ғоятда серсавдо чойхоналар савдо ташкилотлари ихтиёрида эди.

Кейинги бир-икки ўн йилликлар давомида чойхоналарга муносабат бутунлай ўзгарди. Уларни фақат ошхоналар қаторида савдо ташкилоти-трестларга ўтказиб юборилди. Улар бутунлай қаровсиз бир холатда мастхона, ичкилик хонага айланиб қолди. Трест эса фақат савдо нормасини белгилаб, пул ундиришни билади.

Трест мумкин қадар кўпроқ пул даромадига интилишига шубҳа йўқ, албатта. Бунинг натижасида чойхонани жиҳозлаш уни илгариги қизил чойхоналардек озода, дилкаш, агитация-пропаганда ўчоғи ҳолатида тўтиш бутунлай унутилди. Чойхоналар маҳалла, колхоз, корхона ва гузар активлари ихтиёридан чиқиб кетган. Ундаги тартиб йўқолди.

Баъзи маҳалла чойхоналарида ифлос палослар устида, ёзда пашшалар қўнавериб чўтир қилиб кетган эски плакатлар қаршисида одат бўйича чой ичиб гурунглашиб ўтирган қари-қартанглар, ишдан чарчаб келган ишчи-хизматчилар рўбарўсига икки ароқхўр ўтириб олади. Баралла шовқин солиб ёмон иборалари билан ҳамманинг тинчини бузади. Бир нима десанг, чойхона трестники, сенга ҳам бир, менга ҳам, деган жавобни қилади.

Район ошхона трестлари жойлардаги чойхоналарнинг қониқарли даромад бермаслиги туфайли уларни ёпиб қўйган. Биз республикамиз областларида, узоқ сафарларда бўлиб, ёзнинг иссиғи, қишнинг совуғида 30—40 километрлаб масофада бир ютум иссиқ чойга зор бўламиз.

Илгарилар ҳар 15—18 километр масофада карвонсарой бўлиб, унда албатта, биринчи навбатда иссиқ чой бўларди. Эндиликда йўллар обод, серқатнов, чойхонага эҳтиёж катта. Лекин, трестлар ва савдо ташкилотларининг даромадга бўлган иштаҳалари ундан ҳам катта. Бу, албатта чойхонадек дам олиш, ташвиқот ва тарғибот ўчоғини борган сари қисқартишга, аҳолини эса ундан бебаҳра қилишга олиб келмоқда.

Бокуда ва бир қанча шарқ шаҳарларида хиёбон ва майдонларда хуштаъм қайноқ чой сотиб турганларини кўриб, ҳавасинг келади, киши.

Пойтахтнинг Бешёғоч, Ўрда, Шайхантовур, Хадра, Жангоб, Эскижўва, Салор бўйи, Тахтапул, Чиғатой; Ўқчи Кўкча, Ачавот, Шивли каби аҳоли зич жойлашган жойларида, кинотеатрлар атрофларида чойхоналар кўп эди. Юқорида номлари келтирилган ва бошқа жойларда ҳозирда чойхоналар кескин камайиб кетди. Мавжуд чойхоналар ҳам мутлақо чойхона хизматини ўтамайди.

Октябрь район ошхоналар трестининг экономисти С. С. Пшеничниковнинг айтишича, 1966 йил бошида бу районларда 54 та чойхона ишлаб турган экан. Ҳозирда уларнинг сони 48 тага тушиб қолибди. 6 та чойхона зилзиладан зарарланган эмиш.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, ачинарли жойи шундаки, бу чойхоналар саноқда бору, сонда йўқ. Чунки, пешонасига «Чайная» деб битиб қўйилган жойлар ҳам ана шу ҳисобга киради. Қани бу ерга кириб бир пиёла чой топингчи?

Баъзи бир раҳбар ходимларнинг ташаббуси билан шаҳар паркларида қарияларга атаб катта чойхоналар очиб берилди. Афсуски, улар ҳам трестлар тарафидан ошхоналарга айлантирилган. Бу ерларда дам олиб чой ичиб бўлмайди.

Бу ҳолга ортиқ чидаш мумкин эмас. Чойхонани ҳақиқий дам оладиган озода, тартибли ва чинакам сиёсий-маданий тарбия ўчоғи ҳолида тиклаш керак. Бунинг учун чойхонага фақат савдо ташкилоти тармоғи, деб бир ёқлама қарамаслик керак. Унга ҳар тарафлама эътибор бериш зарур. Бизнинг таклифимиз шуки, бозор жойлар, парклардаги сердаромад чойхоналардан бошқа барча чойхоналарни маҳаллалардаги маҳалла, колхоз, корхона чойхона камиссиялари ихтиёрига топширилсин. Улар контроллиги остида чойхонадан тушган даромад чойхонанинг ободончилигига, маданий-оқартув ишларига илгаригидек сарф қилинсин.

Чойхоналар маҳалла комитетлари ихтиёрига қўйиб берилсин. Улар чойхоналарда ичкилик ичиш, шовқин-сурон қилиш, умуман жамоат тартибларини бузишлигига қарши илгаригидек кураш олиб борсинлар. Бу ишда милиция органлари уларга, албатта ҳамкорлик қилишади, деб ишонамиз.

Бизлар чойхоналарга боришни тарк қилиб эдик. Қайтиб боргимиз у ердаги қари ва ёш меҳнаткашлар билан турли темаларда суҳбатлар, кечалар ўтказгимиз келади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 бет.

Спорт

ҚИЗЛАР ҲУЖУМДА

Мактабнинг спорт майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Ўнлаб ўқувчиларнинг лабларидан учган қийқириқлар, олқишлар кўкка бўй чўзади. Бир неча кун давом этган, мактабларарО қизлар волейбол командалари ўртасида район биринчилиги учун ўтказилган мусобақада шаҳарнинг ўн саккиз мактаби қатнашди. Улар уч группага бўлиниб, ҳар бир группада олтитадан мактаб командаси куч синашди.

Уч группадан финалга олтита команда чиқди. Биринчи группадан 24 ва 169-мактаб, иккинчи группадан 14 ва 186-мактаб, учинчи группадан 1 ва 65-мактаб волейболчи қизлари чиқишди.

Биз, Тошкентдаги 169-мактаб спорт майдонидамиз. Бу ерда спортнинг волейбол тури бўйича қизғин кураш давом этмоқда. Мана, таранг тортилган тўр сетка устидан шиддат билан тез-тез узатилаётган тўп атрофдаги ҳамма томошабинларни ҳаяжонга солади. Ўйин бошларида 65-мактаб командасининг қўли баланд кела бошлади. Лекин 186-мактаб ўқувчилари аҳиллик билан ўйнаб биринчи партияда (15:6) ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар.

Иккинчи партияда 186-мактаб командаси нимагадир сўст ўйнамоқда. Бундан фойдаланган рақиб команда ҳужумни кучайтириб, кетма-кет тўплар сонини ошира бошлади. Ўйин 15:3. Ҳисоб 1:1 бўлиб қолди. Яна бир партия ўйнаш керак. Энди учинчи партия ўйинини ҳал қилади.

...Ўйин давом этмоқда. 186-мактаб қизлар командасининг капитани Вера Мишина судьядан ўз ўйинчиларидан маслаҳатлашиб олиш учун бир минутлик вақт сўради.

Ҳимоячи ва ҳужумчи қизларнинг усталиги, эпчиллиги натижасида, ўйин охиригача ютуқни қўлдан бой бермай 2:1 ҳисоби билан (15:10) ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар. Бу ютуқдан волейболчи қизлар қувониб кетмадилар. Ҳали олдинда яна бир шиддатли «жанг» бор эди. Чунки кучли командалардан бири ҳисобланган 1-мактаб волейболчилари кўксини қалқон қилиб турган эди...

Кутилган ҳаяжонли минутлар ҳам етиб келди. 1- ва 186-мактаблар ўртасида қизғин кураш бошланди. Биринчи партияда 1-мактаб волейболчилари ғалаба қозонди. Лекин қарши команда бор кучини, маҳоратини ишга солиб, иккинчи партияда дуранг қилишга муваффақ бўлди. Кескин вазиятда ўтган учинчи партияда 186-мактаб волейболчилари устун чиқиб, 2:1 ҳисобида ютишди. Шундай қилиб, қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада 186-мактаб волейболчи қизлари Октябрь район мактаблари орасида 1-ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринни 1-мактаб, учинчи ўринни 65-мактаб волейболчи қизлари эгаллашди.

Т. АЮПОВ.

Альпинизм спортнинг энг севимли турларидан бири ҳисобланилади.

Суратда: Пойтахтимиз альпинистлари «Дугоба» чўққисини ошиб ўтмоқдалар.

В. КИРИЯНКОГО фотоси.

КУРАШЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

«Динамо» стадионининг кураш залида эркин курашчилар мусобақаси бўлиб ўтди. Бу биринчиликда «Меҳнат резервлари», «Динамо», АСК (Тошкент), «Меҳнат», «Спартак» спорт жамиятларидан 63 ёш курашчи қатнашди. Булардан уч киши СССР спорт мастери эди. Мусобақалар тугаши билан энг енгил вазн категориясида ғолиб чиққан спортчи Қўлдош Асроққуловдан қисқача бўлсада, спортда босиб ўтган йўлни айтиб беришни сўрадик.

— Спортга биринчи кадамни олтинчи синфда ўқиб юрган чоғларимдаёқ қўйдим. Мактабда физкультура ўқитувчиси Обид ака Назиров СССР спорт мастери эди. Менда худди Обид акага ўхшаш моҳир курашчи бўлиш орзуси туғилди.

Мана, машғулотларни ҳам бошлаб юбордим. Тренерим Назиров раҳбарлигида кураш тактикаларини ўрганиб бордим. 1966 йили мен учун мусобақалар йили бўлди. Шу йилнинг бошларида биринчи разряд нормасини топширдим. Республика ёшлар терма командаси сафида СССР биринчилигида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли курашда иштирок этдим.

Бу учрашувларда К. Асроққулов Туркманистон, Қозоғистон ва Украина курашчиларини енгиб, фахрли бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу йил яна «Меҳнат резервлари» марказий спорт жамиятининг курашчилари шу жамият биринчилиги учун ўзаро беллашдилар. Қўлдош 18 курашчи қатнашган бу чемпионатда тўртинчи ўринни эгаллади.

Республика биринчилиги учун «Динамо» спорт жамиятининг кураш залида ўтказилган мусобақада у Зонтов ва Мирзараҳимов каби моҳир биринчи разряд-ли курашчиларнинг елкасини ерга тегизди.

Қ. Асроққулов ҳозирги кунда Тошкент индустриал техникумида ўқимоқда. Унга спортнинг кенг уфқлари кўз тикиб турибди. У ҳозир СССР спорт мастери унвонини олиш учун ўз устида тинмай ишламоқда.

Республика биринчилиги учун ниҳоятда қизиқарли ўтган олишувлар натижасида вазн категориялари бўйича қуйидагилар ғолиб чиқди: А. Недорезов, Н. Холопов, А. Шипилов, А. Толкацкий, А. Буторский («Меҳнат резервлари»), Д. Ярцев (АСК) ва В. Орлов («Динамо»).

Команда якунида «Меҳнат резервлари» спорт жамияти (тренери А. Ванюхин) биринчи ўринни эгаллади.

Ш. ҚОСИМОВ.

ФАН ОЛАМИДА

НЕРВ ҲУЖАЙРАЛАРИНИНГ ОНСТРУ ТОРЛАРИ ҲУЗУРИДА

Нерв системасида ахборотлар бу системанинг бир жойидан-иккинчи жойига қандай қилиб етказилади! Бу масалага физиологларгина эмас, шу билан бирга инженерлар ҳам қизиқмоқда.

Украина ССР фанлар академияси кибернетика институтининг олимлари жониворлардаги нерв ҳужайраларини қўзғалиш жараёнини математик усулда ёзиб чиқишга ва бундай ҳужайранинг қандай ишлашини кўрсатадиган модель асосига муваффақ бўлдилар. Мана шундай бир неча моделдан нерв системасининг, жумладан эшитиш нерв системасининг бир «бўлаги» яратилди.

Энди кибернетика эшитиш системасининг «сирлари»дан бирини очишга имкон берди. Маълум бўлишича, унинг нерв ҳужайралари бошқа сигналлар билан бир каторда энг хилма-хил товуш частоталарининг энг кенг доирасига эга бўлган сигналларни ҳам бера билар экан. Фақат шундай сигналларгина бош мияга юборилар экан. Шу сабабли шивирлаш, жарангланма овоз, дўрилдаган гапнинг частоталари гарчи бир хилда бўлмаса ҳам биз бу товушларни баб-баравар идрок қила оламиз.

Биологик товуш анализатори сирларини яна мукаммалроқ очиш, сўзларга «қулоқ солдиган» бошқарув система яратиш йўлини аниқлаб беради.

О. ЛУЗАН, (ТАСС мухбири).

Ҳар тўғрида

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Атиги 126 ёш, шу ҳам кўпми. Мен Совет Иттифоқида яшовчи дунёда энг қари киши бўлган озарбайжонлик Шерали бобо Муслимовни қувиб етаман, — баланд бўйли, ориққина, 126 ёшга кирган покистонлик Сабруддин Мехал покистонлик журналист Аҳмад Зафар Хон билан бўлган суҳбатида шундай ҳикоя қилади.

Ҳақиқатдан ҳам унинг касби узоқ умр кўрадиганларда кам учрайдиган касб. Сабруддин врач. У Лахордаги медицина мактабини битирган. Ҳинд армиясида 60 йилдан ортиқ врач бўлиб ишлаган. Ҳозир ҳам шу иш билан шуғулланади. Лекин ҳозир у ўзи яшайдиган Гужарат округининг Чаг Рейб қишлоғидаги кишиларни даволайди. Рецептлар ёзиб беради. Унинг хати бошқа ёш врачларга ўрнак бўладиган даражада аниқ ва чиройли.

Мехал 1900 йили 60 ёшида 16 ёшли хитой қизини учратади. Мана шундан бери 66 йил ўтди. Улар ҳозир ҳам бирга яшашади. Уларнинг уч ўғил ва тўрт қизи бор. 126 йиллик ҳаётида у бирор марта ҳам касал бўлмаган. Ёшлигида спортнинг хоккей ва футбол каби турлари билан шуғулланган. Аввал чекадиган Мехал бундан 80 йил бурун мутлақо чекишни ташлаган. У бир марта яра чиққанида оғриқни бошиш учун спиртли ичимлик ичган.

Мехал олдинлари қандай ухлаган бўлса, ҳозир ҳам шундай — суткасига 8-9 соат ухлайди. Қишда ва ёзда уч километрга яқин йўлни пиёда сайр қилади. Унинг иштаҳаси яхши, лекин оғзида бирорта ҳам тиши йўқ.

Унинг хотираси кучли, Иқбол, Садий ва Низомий асарларидан парчаларни ёд билади.

Бу йил ўзининг 125 йиллигини нишонлаган америкалик негр Сильвестра хотираси ҳам Магининг хотирасидан қолишмайди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Хаттесбергда (Миссисипи штатида) ёлғизликда яшовчи бу киши ҳозир ҳам 1860 йилда Миссисипида плантаторга қуллиққа сотилганини, мустақиллик учун жанублик қўшинлар билан бўлган жангларда ярадор бўлганларини яхши эслайди. Унинг бир неча боласи бор. Энг кичик қизи 16 ёшда. У дадаси 109 ёшга кирганида туғилган. Яқинда у 1953 йилда кетиб қолган хотинидан ажралишга қарор қилганини айтади. «Лекин ҳали ҳам уни яхши кўраман» — дейди Маги журналистларга.

ТАРЗАННИНГ БУРНИ ПАЧОҚ БЎЛДИ

Голливуд фирмаларидан бири ҳозир Мексикада Тарзан саргузаштлари ҳақида навбатдаги телефильмни суратга олмоқда. Яқинда суратга олиш пайтида олишув шундай авжига чиқиб кетдики, натижада бош ролни ўйновчи Рон Элнинг бурни пачоқ бўлди, шериги Майкл Уитнининг пешонаси ёрилди. Бу «тарзанбозлик»да қатнашиш Рон Элнинг учинчи марта касалхонага тушишига сабаб бўлди. Бир марта чайқалиб турган лианадан йиқилиб елкасини синдирган эди, иккинчи марта эса шерни ушлаш саҳнасида анча шикаст кўрган эди. Ҳайвонлар шоҳи унинг иккита қовурғасини синдирган эди. Эли ҳам қарздор бўлиб қолмай, ҳайвоннинг бошини тишлаб олган эди.

(«Известия»дан)

Янги йил байрами олдидан Тошкент булка-кондитерь комбинатининг торт ва Шарқ қандолатлари цехида байрам ноз-неъматлари тайёрланмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) участка мастери Я. Копряников ва қандолатчи — мастер Қ. Қодиров ўртоқлар байрам тортларини тайёрламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ГРИПП КЎПАЙМАСИН

Шу кунларда ёрдам сўраб уйга врач чақирувчилар одатдагидан кўпроқ бўлиб қолди. Бир уйда бир киши касал бўлса, бутун оила аъзоларининг диллари сиёҳ бўлиб, ҳафалик ҳукм суради. Борди-ю, бир уйда кўпчилик касалланса, бутун маҳалла аҳолисини ташвишлантиради. Бу албатта кўпчиликни кўнгилсизлантиради. «Сен тинч — кўшнинг тинч» деб бекорга айтмаган боболаримиз.

Шу йил, 10 декабрь кечаси Тошкент шаҳар «тез ёрдам» машинаси Киров район Белинский кўча 35-уй олдига келиб тўхтади. Бир касал учун чақирилган врачга беш киши кўрпа-ёстиқ қилиб ётиши қизиқ кўринди.

Салом-аликдан сўнг қайси бирингиз касалсиз, деб сўрадим ётганларга қараб. Ичимизда соғлиғимиз йўқ. Ҳаммамиз касалмиз, деди жавобан оила бошлиғи Қодиржон ака.— Айниқса, болалар онаси. Унинг аҳволи ёмон бўлганидан нечаси бўлса ҳам сизларни тинчсизлантиришга мажбур бўлдик.

— Касаллик қандай бошланди?

— Бошланиш жуда осон бўлди-ю, аммо кетиши жуда қийин бўлиб қолди. Бу касални биринчи кўришим. Наҳотки, бир ҳафтага етмасдан бутун оила йиқилса. Жуда ҳам лаънати хира касал экан,— дейди сўзини давом эттириб Қодиржон ака.—Бошда мен касалландим. Бундан бир ҳафта олдин ишлаб турган жойимда бирдан мазам қоча бошлади. Этим увушиб, баданим жимирлаб бошим қаттиқ оғриб бошлади. Совуқ тегиб шамоллаган бўлсам керак деб ўйладим. Иш тамом бўлгунча, печканинг олдидан қимирламадим. Иш тамом бўлди-ю, уйга аранг етиб келганимни биламан. Келдим-у иситмам кўтарилиб, 39 га етди. Бош оғриги яна қаттиқ кучайди. Икки чекнам сиқиб бош кўтаришга ҳолим қолмади. Оёқ-қўлларим увушиб қақшаб оғрий бошлади. Кечасига бориб томоғим қақраб тез-тез йўтала бошладим. Тун бўйи бир минут ҳам ухлашга имкон бўлмади. Иштаҳа тамом бўғилди. Тонг отди. Шамоллаган бўлсам тузалиб қоларман, деб яхши аҳамият бермадим-да, яна ишга жўнадим. Буни нотўғри қилганлигимни тездан сездим. Ишда аҳволим ёмонлашди. Томир уриши тезлашиб ўзимни аллақандай ёмон ҳолда сездим. Бунинг устига кўнгил айнаш, қулоқ шангиллаш тездан уйга қайтаришга мажбур қилди. Орадан икки-уч кун ўтгач, икки ўглим бирданига касал бўлиб қолишди. Булар ҳам иситма бўлиб, йўталиб, оёқ-қўллари оғриб ётдилар. Абдувосиғнинг бўлса икки кунгача бурни қонаб, жуда ҳам ҳолдан кетди. Бир ҳафталардан бери мактабга ҳам боролмайди. Унинг устига болалари онаси касалланди. Биз қандай оғриган бўлсак, бунда ҳам худди шундай бўлди. Бош оғриги, иситма, йўтал...

Биз кўрганда ҳақиқатан Санобархоннинг аҳволи анчагина оғир эди. Ҳаммаларини кўрдик. Керакли даволарни қилдик.

Кетиш олдида хайрлашар эканмиз:

— Оиламиздаги бу касаллик нима?— деб сўради Қодиржон ака таажжубланиб.

— Грипп. Ҳа, шундай грипп,— деб жавоб бердик.

Қисқа вақт — бир неча кун, ҳатто бир неча соат ичида бир оилани касаллантириш грипп вируси учун ҳеч гап эмас. Грипп куз, қиш, баҳор фаслларида кўпайиб, ёз фаслларида тугайди. Бундай вақтларда ҳавонинг тез ўзгариб туриши натижасида юз берадиган шамоллаш, тумов касалликларида киши организми кучсизланиб грипп вирусининг юқишига яхши шароит туғилади. Грипп бўлса, жуда тез тарқаладиган юқумли касалликлардан ҳисобланади. Бу касаллик билан ҳамма ёшдагилар касалланишлари мумкин. Айниқса у ёш болаларга тез юқади, ва оғирроқ ўтади. Баъзида бахтсизлик ҳам юз беради. Грипп вируси оғиз, томоқ, бурун, умуман ҳаво йўллари орқали беморлардан соғлом одамга жуда тез ва осонлик билан юқади. Ҳозирги кунда олимлар олти турли грипп вирусларини аниқладилар. Булар А, Б, $А_1$, $А_2$, С, В ва Д деб юритилади. Ҳозирги кунда А билан Б ни кўпроқ учратаётирмиз. Вирусларнинг хусусиятлари бир-бириларига яқин бўлса ҳам, тузилиш жиҳатидан бошқа бўлиб, ҳар қайсиси ўз ичига грипп касаллигини қўзғата олади. Беморнинг бурун ва ҳалқумида жуда кўп миқдорда грипп вирусини топиш мумкин. Касал йўталганда, аксирганда, гапирганда атрофга отилиб чиққан миллион-миллион вируслар бошқаларга тезда юқади. Бемор истеъмол қилган буюмлар: қошиқ, пиёла, сочиқ каби нарсалар орқали ҳам касаллик тез юқиши мумкин. Соғлом одамга грипп вируси юққандан кейин бир-икки кун, баъзида бир неча соат вақт ўтар-ўтмас касаллик бирдан бошланади. Бемор тездан ўзини ёмон сезади. Бадани увушиб, совуқ ейди. Боши, айниқса икки чекка қаттиқ оғрийди. Иштаҳа йўқолиб, иситма кўтарилади. Оғиз бемаза, томоқ қичишиб, тез-тез йўтала бошлайди. Грипп оғир бўлган тақдирда кўнгил айнаш, қайт қилиш, кулоқ шангиллаш кўз тиниш, кучли қабзия, асабийлаш, бурун қонаш, ҳодисалари юз беради. Ёш болаларда бўлса, грипп яна ҳам оғирроқ ўтади. Бола серҳарҳаша бўлади, донмо йиғлаб, она қўлидан тушмайди. Юз-кўзлари қизариб, тез-тез йўталади, иштаҳа бутунлай йўқолади. Баъзида оёқ-қўллари тортишади. Иситма кўтарилган вақтларда бола ҳушдан кетиб шайтонлаши мумкин. Грипп кўп вақт зотилжам, қулоқдан йириング оқиш, дизентерея, бўғма, инсифалит каби касалликларни ҳам вужудга келтиради. Бундай вақтларда боланинг ҳаёти хавф остида қоладн. Касалланувчиларни иссиқ тутиб, оёғига грелка қўйиш маслаҳат берилади. Бериладиган овқатлар жуда мулойим, юмшоқ, енгил бўлиши билан, чой, сут, кофе, какао ва мевалар берилиб турилиши жуда фойдали. Маймунжондан қилинган мураббо билан ёки маймунжоннинг қуритилганини чой ўрнига дамлаб ичилса, бемор яхши терлайди. Совет олимлари гриппга қарши сиворотка йўли билан амлаш ва ҳидлашни кашф қилдилар. Шундай йўл билан гриппдан сақланиш икки мартаба камайтирилди. Уйга чақирилган врач беморларни даволаш ва бошқаларга юқтирмаслик чораларини амалий кўрсатади. Грипп оммавий тус олмаслиги учун ясли, болалар боғчаларида, мактаб, кинотеатр, вокзал, аэропортларда, бозор, тўй-ҳашам, маъракаларда саммини. мум қондаларига риоя қилиш зарур. Соғлиқни сақлаш идоралари уюшқоқлик билан ўз вақтида керакли тадбирларни амалга оширишда фаолият кўрсатишлари муҳим чоралардан бири ҳисобланади.

И. ФОЗИЛОВ,

Узбекистонда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари номзоди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

21 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 Енгил куйлар. 18.30 **Куйлар кетидан куйлар.** 19.20 Қозоқ куйларидан концерт. 20.00 Республика шаҳарлари ҳақидаги қўшиқлар. 20.45 «Олмалиқ машъаллари». Радиоочерк (ўзбекча). 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 Коммунистик ахлоқ темаларида профессор А. Харчевнинг **«Оиланинг жамиятдаги ўрни»** деган суҳбати (ўзбекча). 22.15 Рақс куйлари. 22.40 Поэзия кечаси. 23.20 Ўзбекистон композиторлари асарларида Навоий лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Енгил оркестр куйлари. 19.00 Урал рус халқи хорининг концерти. 19.30 С. Бородин. «Самарқанд устида юлдузлар» романидан парча (ўзбекча). 20.10 **«ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси.** 20.50 Мордова радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 Композитор З. Шоҳидий асарларидан концерт (тожикча). 21.30 Болтиқ бўйи республикалари халқларининг қўшиқ ва рақслари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Ш. Рашидов. «БЎРОНДАН КУЧЛИ» романи асосида радиопостановка. 16.00 **Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан.** М. Юсуповнинг «ХОРАЗМ ҚЎШИҒИ» операсининг монтажи.

22 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Ўзбекистон композиторларининг лирик қўшиқлари. 9.30 Музикали танаффус. 9.45 Халқаро темаларда суҳбат (тожикча). 10.10 Сабзанов. «Рудакий хотираси» симфоник поэмаси. 10.30 Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан Оркестр куйлари. 11.10 ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭШИТТИРИШ. **«Ильич чироқлари порлайди»** (ўзбекча). 11.20 Энергетиклар учун концерт. 12.15 Топишмоқли концерт. 12.50 Эстония радиосининг эшиттириши (ўзбекча). 13.30 Собитов. Кинофильмларга ёзилган куйлар. 16.15 Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. «Композитор Хайри Изомов ижоди» (русча). 18.10 **Жаҳон прогрессив адабиёти.** Ф. Эрдинч. «Рустам» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 18.30 Ўрта Осиё республикалари халқларининг қўшиқлари. 19.20 Татар куйларидан концерт. 20.00 «ОКТЯБРЬ» **радиостанциясининг программаси** (русча). 20.30 Энергетиклар учун концерт. 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 «Кардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). 22.10 МУЗИКАЛИ САЛОМ. 22.40 Адабий эшиттириш. Поэзия альманахи. 23.20 Энергетикларнинг талабларига мувофиқ концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 СССР халқларининг куйлари. 19.00 Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр учун биринчи концерт. 19.30 **«Ёшлар ижоди»** деган адабий эшиттириш (ўзбекча). 20.10 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторларининг романслари. 20.50 Энергетиклар байрами деган эшиттириш (русча). 21.00 Тожик куйларидан концерт. 21.30 Ракс ритмлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Бизе. «Марварид қидирувчилар» операси. 16.00 ТЕАТР МИКРОФОН ОЛДИДА. «ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ». Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи.

Телевидение

21 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Телевизион янгиликлар. 18.20 «Юлдузча». Телевизион журнал. 19.00 **Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ Тожикистон санъат усталари ижросида концерт.** 19.40 «Фанга бағишланган умр». Телеочерк. 20.00 Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.20 «Вақт ва одамлар». 21.10 Ҳаваскорлар санъати Бутуниттифоқ фестивали. 21.30 Ватан панорамаси. Таллиндан олиб эшиттирилади. 22.10 М. Горький. «Уч киши» Телевизион спектаклнинг премьераси. (1-серия). 23.30 Телевизион янгиликлар. 24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.40 «Қора Тисса». Илмий-оммабоп фильм. 18.00 Рус қўшиқларидан концерт. 18.35 «ХХ аср мушкетёрлари». Ҳужжатли фильм. 18.45 Тошкент янгиликлари.

22 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар. 18.20 Кичкинтойлар учун эшиттириш. 18.50 «Бизнинг қўшиқларимиз». Музикали эшиттириш. 19.35 «Арчани ёнгиндан сақланг». Суҳбат. 19.40 «ЭНГ ҚОБИЛ АЁЛ». Бадиий фильм. 20.50 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.55 Телевизион янгиликлар. 21.10 «Бугун Бутуниттифоқ энергетиклар куни». 22.10 Кино янгиликлари. 23.30 «Тапсуйда куз». Телефильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.00 «Иссиқ нафас олиш», «Қор, муз, олтин». Ҳужжатли фильмлар. 17.40 «Қаҳрамонлар жасорати». А. Я. Пархоменко туғилган кунинг 80 йиллиги олдидан.

Ўзбек тилида:

18.00 «Бунтар цирки». Қўғирчоқ фильм. 18.40 «Испания». Ҳужжатли фильм. 20.00 Тошкент янгиликлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.10 «Билим». Илмий-кўргазма программаси. 20.40 Музика машъали. 21.00 Телевизион янгиликлар. 21.20 «Ильич ғоялари яшайди». Бутуниттифоқ энергетиклар куни олдидан. 22.10 Я. Райнис. «Ўйнанг, шаббодалар». Телеспектакль. 23.30 Телевизион янгиликлар. 24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 21/XII да **Ҳамза**, 22/XII да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРДА — 21/XII да **Қотил**, 22/XII да **Оқ кабутар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Қари қиз**, 22/XII — **Гули сиёҳ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ўзбек цирк коллективи**, йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан** ва **қизиқчилар группаси.**

Кино театрларда

21 ДЕКАБРДА

Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим ва 7 яримда).

Поездлар дераза ёнидан ўтяпти — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да), НАВОИЙ номли (кеч 10 да).

Наташахоним — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда). СОБИР РАҲИМОВ номли (ўзбек тилида кеч 10 да).

Ворис — «ДРУЖБА» (2-залда кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бағритошнинг ўғиллари (1 ва 2-серия) — СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 7 да).

Эшик тутқичли комедия — «МИР» (кеч соат 9 да).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор В3-02-49 дан В3-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими—3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони В3-65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — В38142).

21 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 12927 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2929.